

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНИГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЗАКИРОВА ФЕРУЗА МАҲМУДОВНА  
ПОЗИЛОВА ШАҲНОЗА ХАЙДАРАЛИЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ  
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА КРЕАТИВ  
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**Тошкент 2018**

**Муаллифлар:**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот таълим технологиялари” кафедраси профессори  
Ф.М.Закирова

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот таълим технологиялари” кафедраси ассистенти  
Ш.Х.Позилова

Замонавий жамиятда олий таълим муҳим рол ўйнайди. Исталган давлатни тезликда ривожланиши асосий ва инкор этиб бўлмайдиган интеллектуал имкониятлар таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали яратилади. Фуқароларнинг саводхонлигини ошириш орқали давлат иқтисодиёти ва жамият яшаш тарзи даражасини юксалтиради, ривожланаётган технологиялар эса олий таълимни жаҳон бозорларида нақадар зарурлигини кўрсатади.

Мазкур «Олий таълим муассасаси ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида креатив ўқитиш методикаси» номли монография олий таълим муассасаси информатика, математика ва физика ўқитувчиларини кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив қобилиятини ривожлантиришга қаратилган мақсадларни ўзида жамлаган. Бунда ОТМ ўқитувчиларини креативлигини ривожлантириш босқичлари, креатив таълим методлари билан таништириш ва уларнинг ижодий фикрларини ривожлантириш масалаларини қамрайди.

Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамиятнинг таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълим методикасини мақсадли адекват (мос, ўхшаш) ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради.

Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда креатив таълимни креатив ривожланиш шакли сифатида тадқиқотчи-педагоглар томонидан фаол ўрганилиб келинмоқда.

Монография кадрларни қайта тайёрлаш малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ўқитувчилари (информатика, математика ва физика фанлари ўқитувчилари) учун тавсия этилади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети  
Илмий-техник кенгашининг 29 июнь 2018 йилдаги  
«4» - сонли баёни билан тавсия этилади

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети,  
2018 йил

## Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	6
<b>I- БОБ. Олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишнинг назарий асослари</b> ....	9
1.1. Креатив ўқитиш методикаси .....	9
1.2. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчиларига креатив таълим беришнинг педагогик муаммолари .....	24
1.3. Креатив таълим жиҳатидан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчилари таълим мазмуни таҳлили .....	33
Биринчи боб юзасидан хулосалар .....	42
<b>II- БОБ. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг креатив таълим методикаси</b> .....	45
2.1. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчиларини креатив ўқитишнинг мақсад, вазифа ва мазмуни.....	45
2.2. Педагогик кадрларни ва қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчиларининг креатив таълим метод ва воситалари .....	54
Иккинчи бўлим юзасидан хулосалар .....	83
<b>III – БОБ. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчилари учун креатив таълимнинг илмий - методик мажмуаси</b> .....	86
3.1. Маъруза машғулотларини олиб бориш учун услубий қўлланма .....	86
3.2. Амалий машғулотларини олиб бориш учун кейс материаллар тўплами ..	125
3.3. Назорат - ўлчов материаллар (тестлар).....	135
3.4. Тингловчиларни креативлигини ривожлантириш методикаси .....	143
<b>Хулоса</b> .....	153
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	156



## Кириш

Дунёда инновацион ривожланишнинг глобал вазифаларидан бири инсонларда креативлик қобилиятини шакллантиришдир. Бунда янги тажрибалар яратиш, мураккаб жараёнларда ечим топа билиш, касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, оқилона таваккалчиликка бўлган қобилият, касбий баркамоллик каби ҳаракатлар назарда тутилади. ЮНЕСКО катталар таълимини XXI асрда «эшикларни очувчи калит» деб эътироф этди. Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг ижодий салоҳияти, акмеологик компетентлиги ва креативлигини ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда<sup>1</sup>.

Европа ҳамжамияти биринчи ўринда таълимни омил сифатида қабул қилиб, Лиссабон, Барселона ва бошқа давлатларда ўтказилган умумевропа саммитларида билимга таянган ҳолда дунёда динамик иқтисодиёт ва рақобатбардошликни олиб бориш муаммоларини кўриб чиқди. Саммит натижаларига кўра билимга асосланган иқтисод ва жамиятга муваффақиятли ўтишни узлуксиз таълим жараёни билан олиб бориш кераклиги, бунда асосий эътибор катталар таълимига қаратилиши кераклиги тасдиқланди<sup>2</sup>. Тадқиқотларни кўрсатишича жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжи олий таълим муассасаси педагогининг ижодий фикрлаши ва креативликка бўлган юқори талабларига боғлиқ бўлиб, педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида инновацион таълим технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидаги шиддатли ўзгаришлар таълим тизимида ҳам жаҳон миқёсида кенг йўл очиб бермоқда, замонавий информацион технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал телекоммуникацион технологияларнинг такомиллашиб бориши электрон таълим муҳитида

---

<sup>1</sup>Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. - Гамбург. - 2011. URL: <http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.

<sup>2</sup>European Council Presidency Conclusions.- Лиссабон, 23-24 март 2000. С. 2 - 8.

инсонни ишга бўлган муносабатини креатив ёндашувини талаб этмоқда. Замонавий дунёнинг инновацияларига мослашиш, доимий янгиланувчи жамият ҳаётига ёш авлодни тайёрлаш ва уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш қобилиятини ривожлантириш олий таълим муассасаси педагогини муҳим касбий вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг имкониятларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, олий таълим муассасалари таълим сифати ва самарадорлигини ошириш<sup>3</sup> каби йўналишлар белгиланиб, бу борада олий таълим муассасаси педагогларини креативлигини ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сон, 2017 йил 27 февралдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида»ги 103-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>3</sup> Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари рисола. -Т.:2017. Б.70-71.

**Тадқиқотнинг мақсади** қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари педагоглари учун креатив таълим методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“креатив таълим” тушунчасини фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив таълим хусусиятларини очиб бериш;

ОТМ педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив таълим учун ташкилий-педагогик шартларини аниқлаш;

ОТМ педагоглари креативлик қобилиятини ривожлантириш даражаси кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини аниқлаш;

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими талабларидан келиб чиқиб ОТМ педагогларига креатив таълим методикасини ишлаб чиқиш, ўқув-услубий мажмуасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ОТМ педагог кадрларини, хусусан информатика, математика ва физика фанларидан дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида креатив таълим технологиялари асосида ўқитиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида таълим олаётган информатика, математика ва физика фанлари профессор-ўқитувчиларини креатив таълими моҳияти, мақсад, вазифаси, усул ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир педагогик, психологик, методик адабиётлар ва монографиялар таҳлил қилинди. Қўйилган мақсадга эришиш учун аналитик усул, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, анкета, интервью, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларида комплекс фойдаланилди.

# **I- БОБ. Олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишнинг назарий асослари**

## **1.1. Креатив ўқитиш методикаси**

Замонавий таълим қайси соҳада бўлмасин инсонга ўзи ва уни ўраб турувчи олам ҳақида билим берувчи, яшашни ўргатувчи, ушбу билимлар асосида жамият тараққиёти учун эгаллаган касбини мукамал билишга ундовчи ва ривожлантирувчи каби ягона мақсадларга эга. Бундан келиб чиққан ҳолда билим олиш - бу мақсад эмас, балки ҳаётда мақсадга айланган стратегияни амалга оширишга қаратилган воситадир [11].

Замонавий жамиятда олий таълим муҳим рол ўйнайди. Исталган давлатни тезликда ривожланиши асосий ва инкор этиб бўлмайдиган интеллектуал имкониятлар таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали амалга оширилади.

Фуқароларнинг саводхонлигини ошириш давлат иқтисодиёти ва жамиятда яшаш тарзи даражасини юксалтиради, ривожланаётган технологиялар эса олий таълимни жаҳон бозорларида нақадар зарурлигини кўрсатади. [12].

Креативлик кундалик профессионал фаолиятга кўпроқ киради ва нафақат яқка тартибдаги корхоналарнинг, балки мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ривожлантириш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Саноатнинг, хусусан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши инсон ресурсларининг креатив қобилятдан фойдаланишига боғлиқ. Р.Флорида [13], С.П. Лапасев [14], А.И.Подберезкин [15] таъкидлаганидек, ушбу сифатни исталган соҳа мутахассислари учун ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Тадқиқотлар инновацион иқтисодиётнинг муваффақияти бевосита креатив одамларга боғлиқлигини ва жамиятни креатив мутахассисларни кенгайтиришга эҳтиёжи борлигини аниқлайди.



Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамият таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълим методикасини мақсадли ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради.

Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда креатив таълимни креатив ривожланиш шакли тадқиқотчи - педагоглар томонидан фаол ўрганилиб келинмоқда.

Хорижий ва маҳаллий нашрларнинг қиёсий таҳлили креативлик қобилиятни ўрганишнинг фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан кўп қиррали хусусиятларини кўрсатади. Келтирилган таҳлилларнинг асосий тушунчаси - «креативлик» сўзи моҳиятини фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан деб таҳлил қилинган.

Е.С.Шелестова [16], Н.А.Степаненко [17] ва бошқалар тадқиқотларида креативлик тушунчаси таърифлари келтирилган. Кўпчилик муаллифларнинг фикрича креативлик педагогик жараёнда олий таълим муассасаларининг фаолияти билан узвий боғлиқ, яъни таълим жараёни ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг асосий шартлари сифатида қаралади деб ўйлайди, бунда ОТМ самарадолигини оширишга қаратилган асосий факторлардан бири бу моддий техник салоҳият тизимини янгилашдир [18, 19, 20, 21, 22].

Креативликни унинг ривожланиш эҳтимоли ва профессионал педагогик фаолият нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган тушунчаларни таҳлил қиламиз.

Креативликни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари турли соҳа вакиллари- шоирлар, олимлар, санъаткорлар, ёзувчилар томонидан кўтарилган. Креативликка бўлган қарашлар файласуфларнинг узоқ ўтмишдан тортиб то бугунги кунгача асосий мавзуси сифатида ўрганилиб келинмоқда (1.1-жадвал).

## Жадвал 1.1.

### Креативлик тўғрисидаги қарашлар<sup>4</sup>

Нодавлат бўлишдан тортиб, ижодкорликка қадар ҳар бир ўтиш, бунинг натижасида ҳар қандай санъат ва ҳунармандчиликни яратишга креативлик деб ном берилиши мумкин ва барча ижодкорлар уларнинг яратувчисидир	Платон
Инсон тасаввурлари қабргача давом этмоқда ... Тасаввур қилмасдан ёлғизликни йўқ қила олмаймиз ... Кимки ўзини тасаввурини ушлаб туrolмаса- у борлик; кимки тасаввурини яхшилик ғоялари билан уйғунлаштира олса- у ташаббускор; тартибсиз тасаввурга эга бўлган одам - ҳаёлпарастдир.	И.Кант
Тасаввур қилинг! Бундай сифатсиз шоир, файласуф, ақлли одам ҳам, ўйламасдан оддий инсон ҳам бўлиши мумкин эмас ...	Д.Дидро
... машқлар, дўстлар, яхши (табий) истеъдоддан кўпроқ нарсани беради.	Эпихарм
Билим инсоний тасаввур билан органик равишда боғланган. Билим ўсиб бораётган экан, тасаввур кучи кучаяди.	К.Г.Паустовский
Хурсандчилик, қувончли ғазаб - қуёш, ҳамма нарсани ёритувчи ва бўлаётган барча нарса	Р.Роллан

<sup>4</sup> <http://ariosto.ru/o-tvorchestve-i-masterstve/page/1-6>

<p>ижодкорликнинг илохий қувончидир! Ижоддаги ҳаётнинг барча қувончлари. Севги, даҳо ва меҳнат - бир алангадан келган кучли кучдир.</p> <p>Яратиш учун ўлимни ўлдириш керак.</p>	
<p>Халқ тасавурида эртақнамо гилам - самолёт пайдо булганида, одамларнинг ҳавода муаллақ туриб самолётда учиши мумкинлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганди?... Фантазия(тасаввур) худди ҳаёл каби зарур</p>	К.С.Станиславский
<p>[ижод] ҳар доим ҳам биринчи қўнғироқда бўлмаган меҳмондир. Айни пайтда, ҳар доим ҳам ишлаши керак, ва ҳақиқий ҳалол санъаткор унинг ўрнида бўлмаган баҳонаси билан ишламайди. Агар сиз жойни кутиб турсангиз ва унга тўғри келмасликка ҳаракат қилсангиз, унда дангасалик ва бекфарқликка тушиш осон. Чидамаслигимиз керак ва илҳом манфийлигидан маҳрум бўлганларга муқаррар равишда келиши кераклигига ишонишимиз керак.</p>	П.И.Чайковский
<p>тасаввурга эга бўлмаган одам ҳақиқатларни тўплаши мумкин, аммо катта кашфиёт қилмайди.</p>	К.Пирсон
<p>Ҳаётимизда, илм-фанимиз ва санъатимизда ҳар қандай юксак ва чиройли нарса ақлимиз томонидан тасаввурнинг ёрдами билан яратилган ва ақлнинг ёрдами билан жуда ҳаёлийдир. Коперник ҳам, Нютон ҳам фантазия ёрдамисиз фойдаланадиган илмдаги бу муҳимликка эриша олмаслигини ишонч билан айтиш мумкин.</p>	Н.И.Пирогов
<p>Ижод рассом ўзигагина тегишли нарса эмас: усиз</p>	В.Г.Белинский

олим ҳам узокқа бора олмайди, ҳатто хунарманд ҳам ҳеч нарса қилолмайди, чунки у ҳамма жойда, ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай меҳнатда кўринади.	
---	--

Фалсафий энциклопедия луғатида креативлик (лот. *creo- ijod etmoq, yaratmoq*) берилган жараён ва муаммоларни ноодатий кўринишда ечимини топишга йўналтирилган ижодий ўзгаришларга бўлган қобилият сифатида тавсифланади. [23].

Психологияда креативлик инсоннинг ижодий имкониятларини намоён бўлиши (фикрлаш, ҳис - туйғулар, мулоқот, шахсий фаолият) сифатида қаралади ва умумий ҳолда унинг алоҳида жиҳатларини, фаолият маҳсулотларини, уларни яратиш жараёнини тавсифлайди. [24]

Маълумки, дастлаб психологияга “креативлик» (*creativity*) атамасини 1922 йил Рей М.Симпсон «*American Journal of Psychology*» журналида америкалик мактаб ва коллеж ўқувчиларини креатив фикрлашини аниқлашга бағишланган тадқиқот ишида берган [25].

М.М.Акешова, Н.М.Акешова, А.С.Сеитбеккызы [26], Л.Ю.Королева [27], М.А.Холодная ва бошқа олимлар томонидан креативликни психологик-педагогик асослари аниқланган. Уларнинг ишларида креативлик ижодий интеллектуал қобилият сифатида келтирилган, яъни олиб борилаётган тажрибаларга янгилик кирита олиш қобилияти, янги муаммони қўйишда ва ечимини топишда оригинал (асл) ғоялар яратиш қобилияти, бўшлиқ ва келишмовчиликларни англаб олиш қобилияти, шунингдек етишмаётган жараён элементларига қаратилган фаразларни шакллантириш, фикрларнинг стереотип усуллардан воз кечиш қобилияти кабилар киради [28].

Б.Жефрей и А.Крафт [29], Ж. Ринкевич [30], В. Главеану, З.Сиерра ва Л.Танггаард (*V.Glăveanu, Z.Sierra, L.Tanggaard*) [31] креативлик нафақат интеллектуал потенциални, балки мотивация, эмоция, эстетик ривожланиш

даражаси, экзистенциал, коммуникатив параметрлар ва компетентлик билан ҳам боғлиқ бўлган тизимли психик таълимлигини аниқлаган.

А.Х.Маслоу креативликни 2 турга бўлади: истеъдоднинг креативлиги ва шахснинг ўз - ўзини актуаллаштириш креативлиги. Шахснинг ўз - ўзини актуаллаштириш креативлиги шахс билан узвий боғланганлиги сабабли биз унга кундалик ҳаётда ва касбий фаолиятнинг кўп соҳаларида дуч келишимиз мумкин. А.Х.Маслоу креативликда ўз - ўзини актуаллаштиришнинг икки даражасини келтириб ўтган: биринчиси - « ихтиёрсиз креативлик, бунда шахс бирдан ақлига келиш, руҳланиш, қийин кечинмаларга эга бўлади», «ик - кинчиси - ихтиёрий, оғир меҳнат билан боғлиқ, узлуксиз таълим, камолотга интилувчанлик» .

А.Х.Маслоу креативликни инсон табиатининг фундаментал характеристикаси сифатида кўради, яъни барча инсонлардаги туғма қобилият, лекин ҳаёти давомида маълум ижтимоий тўсиқлар натижасида йўқолиб кетади деб ҳисоблайди [32].

М.А.Холодная [33], Сун е Хванг (*Soon Ye Hwang*) [34] креативликни критерияларига оригиналлик, онглилик, ўзгарувчанлик, бирлашувчанлик ҳам киради деб таъкидлайдилар. Бундан келиб чиқиб креативликни ривожлантириш ва баҳолаш мумкин ва фикрлаш оригиналлиги критерияси креативликни интеллектдан ажратиб туради.

Креативликни замонавий таҳлили жиҳатидан Е.Ильин креативлик кўп жиҳатлиликка эга деб ҳисоблайди, уни ривожлантириш учун «инсоннинг мотивацион, шахсий ва когнитив ресурслари бўлиши керак» деб фикр юритади [35].

Педагог кадрлар креативлигини ривожлантириш зарурияти Е.Е.Антонова [36], Я.А.Цветкова [37], М.Селкриг и К.Киами (*M.Selkrig, K.Keamy*) [38] томонидан ёритилган. А.В.Кострюков ва Д.В.Мирошникова [39] эса «педагогик фаолиятда креативлик-ни пайдо бўлиш кўлами етарлича кенг ва буни педагог ўқувчиларга бўлган муносабатида, педагогик хулқ-

атворда, фанни ўқитиш методикасида, ўқувчиларга бериладиган материални танлашда, синфдан ташқари ўқиш ва тарбиявий ишларда кўришимиз мумкин. Ўқитувчининг креативлик даражаси профессионал саводхонлилик ва тўпланган педагогик тажриба асосида вужудга келади ва дарс машғулотларини олиб боришда, ўқувчиларни ўзлаштириши, амалий кўникмаси, шунингдек билимга чанқоқлиги ва ўқувчилар креативлигини ривожланиши ҳисобга олинади» .

М.А.Аксеновой, М.А.Гуриной, Н.А.Дроновой, В.В.Швайдак ва А.С.Шуруповой [40], И.Л.Мамыкина [41], А. Саебу, Л.Маккоман, Л.Офаннел (*A.Saebø, L.McCammon, L.O'Farrell*) [42], В.Эллис ([V.Ellis](#)) [43], Вивиан Ченг (*Vivian MY Cheng Dr.*) [44], А.Киргендалл ва А.Кришен (*Kirkendall A., Krishen A.*) [45], Ш.Дали, У.Мосижовски, С.Опреа, А.Хьюанг-Саад ва С.Сейферт (*Daly Sh.R., Mosyjowski E.A., Oprea S.L., Huang-Saad A., Seifert C.M.*) [46] ишларида олий ўқув юртлари касбий тайёргарлигида бўлажак педагогик кадрлар ижодкорлигини ривожлантиришга ўқув материалларини танлаш ва уларни тақдим этиш учун воситалар ва шаклларни танлаш, дизайн ишларини ёки педагогик амалиётни ташкиллаштириш орқали махсус мўлжалланган вазифалар тизими орқали интерактив технологиялар асосида амалга ошириш каби турли ёндашувлар берилган.

Бу тушунчалардан ҳам кўра, « креативликни йўқотиш» га қарамасдан, интелеклект каби, креативлик ҳам ўзлаштирилган билимлар ва стратегиялар натижасида ҳам ривожланиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди.

Терминологик луғатларда креативлик ҳайратга тушиш ва англаб олиш, ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти, янги нарсаларни кашф қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ва ўз тажрибасини чуқур англаш қобилияти сифатида тақдим этилади [47].

Г.М.Коджаспированинг педагогик луғатида креативлик ижодий қобилият ва шахснинг барқарор характеристикасини ташкил этувчи омил сифатида талқин қилинади [48].

Т.А.Барышева ва Ю.А.Жигаловалар педагогокада креативликни тизимли (кўп босқичли, кўп ўлчамли) психик (рухий) таълим сифатида талқин этиб, унга фақатгина интеллектуал потенциални эмас, балки мотивация, эмоция, эстетик ривожланиш даражаси мавжудлиги, коммуникатив параметрлари, компетентлиги ва ҳ.к.ларни ҳам киритади [49].

В.С.Безрукова ҳаёт, мулоқот, профессионал ва ижтимоий соҳадаги инсон ижодининг даражасини ифодалаб, креативликни шахс сифатида белгилайди. (Екатеринбург. В.С. Безрукова. 2000.).

Касб-ҳунар таълимида С.М. Вишнякова креативликни инсоннинг етуклик даражасида, яъни, ижодкорликка бўлган қобилиятида, муқобил феъл-атворга эга бўлган шахсда, бирон янгилик ярата олиш қобилиятида: муаммони ҳал қилиш учун янги ечимлар топиши, янги услуб ёки воситалар билан ишлай олиши, янги санъат асари яратишида кўради [50].

Педагогик тоифадаги креативликни таҳлил қилиш бизга иккита асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади:

- 1) креативлик - шахснинг янги, оригинал ғояларни яратиш қобилияти;
- 2) креативлик - бу янги, асл нусхада пайдо бўлган фаолият.

Бизнинг тадқиқотимиз учун иккинчи ёндашув жуда муҳим, чунки информатика, математика ва физика фанлари ўқитувчилари касбий фаолиятида янги педагогик ва касбий ғояларни яратиш билан креативлик қобилиятига эга ҳисобланади.

Шунингдек креативликни мезонлари Л.Л.Тёрстоуна, Дж.П.Гилфорда, Э.П.Торранс томонидан белгиланган [51]:

- равонлик: маълум бир вақт оралиғида кўплаб фикрларни ишлаб чиқариш қобилияти;

- ўзига хослиги: аниқ, таниқли, умум эътироф этилган, оддий ёки қатъий белгиланганидан фарқ қилувчи ғайриоддий, ностандарт ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти;

- сезувчанлик: ғайриоддий деталларга сезгирлик, қарама-қаршилик ва турли хил ноаниқликлар, тезда бир фикрдан иккинчисига ўтишга тайёрлик;

- мўътадиллик: ғайритабиий контекстда ишлашга тайёр бўлиш, рамзий, бирлаштирувчи фикрлашга мойиллик, оддий ва мураккаб шароитда кўриш қобилияти;

- ривожланиш: пайдо бўлган ғояларни батафсил ишлаб чиқиш, уларни сатҳ ва қуйи тизимларга айлантириш қобилияти;

- тўхташга қаршилик: бир хилликка қаршилик кўрсатиш, яъни муаммони ечиш жараёнида келиб тушаётган турли информациялар андозаларига қаршилик кўрсатиш.

- ноаниқлик: стимулдан мустақил мантиқий реакциягача бўлган қобилият;

- « номлаш» нинг мавҳумлиги: шахснинг муаммо моҳиятини тушуниш қобилияти, аслида аҳамиятга эга бўлган номни тушуниш ва аксини акс эттириш қобилияти (« номлаш» жараёни муфассал шаклни муаммонинг моҳиятини кўриш қобилиятини оғзаки шаклга айлантириш қобилиятини акс эттиради);

- кўп вазифалилик: Бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳаларда ишлаш қобилияти;

- самарадорлиги: маҳсулотнинг яроқлилиги, уларнинг фойдаси, маҳсулотнинг мақсадли аудиторияси томонидан янги, ноёб, оригинал бўлиши ҳақидаги идрок;

- мамнуният: креативликнинг натижаси.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, шахснинг ижодий салоҳияти муаммога мустақил қараш, қарама-қаршиликлар, танқидий фикрлаш; ҳар қандай муаммоларни таҳлил қилиш қобилияти, аналитик фикрлаш; улар учун ечим топиш қобилияти; билим олиш, малака ва таълим



бериш усулларини янги ҳолатга ўтказиш имконияти; илгари ўрганилган усулларни янгиларга бирлаштира олиш каби кўникмаларда намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, улар ҳар доим туғма бўлмаган, махсус технологиялар ёрдамида аниқ мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

«Таълим» концепциясининг турли таърифларини таҳлил қилиш давомида ушбу атама педагоглар томонидан кенг қўлланилаётгани ва турли луғатлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, монографиялар ва диссертация ишларида кўплаб таърифлар билан ифодаланганлиги аниқланди. Бизнинг тадқиқотимизда бошқа таърифларнинг умумий хусусиятларини тавсифловчи иккита таъриф мавжуд.

Услубий атамалар луғатида «таълим» инсон билим фаолиятининг билимлари, кўникмалари, қобилиятлари ва усулларини узатиш ва ўзлаштириш жараёнидир; таълим берувчи (ўқитиш) ва таълим олувчи (ўқитиш) биргаликдаги фаолиятида иштирок этадиган икки томонлама жараён [52]. Ушбу таъриф нафақат билимларни эмас, балки инсон билимлари фаолиятининг кўникмаларини, қобилиятларини ва усулларини ўзлаштиришнинг икки томонлама жараёнига эътиборни қаратади.

Умумий ва махсус педагогик луғат таълимни ўрганиш учун қуйидаги таърифларни беради: ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида билим, кўникма, дунёқарашни шакллантириш, тингловчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ва потенциал имкониятларини ривожлантиришга, ўз-ўзини билимга ўргатиш қобилиятларини ривожлантириш ва мустақамлашга йўналтирилган мақсадлар қўйиш. (<http://didacts.ru/termin/obuchenie.html>). Ушбу таъриф таълимнинг бошқарилиши мумкинлиги ва ўқувчиларнинг имкониятларини оширишга қаратилган. Маълумки, ҳар бир инсон табиат орқали ижодкорлигини ривожлантириши мумкин.

«Креативлик» ва «таълим олиш» тушунчаларини умумлаштириб, биз «креатив таълим» тушунчасини қуйидагича таърифлаймиз: бу шундай таълим турики, шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қилиб,

педагог-тингловчи, тингловчи-тингловчи ёки тингловчи ва маълум бир воситалар ўртасидаги муносабатларга йўналтирилган таълим туридир.

Педагогик адабиётларда креатив таълимнинг бошқача талқинини ҳам кўришимиз мумкин.

А.И.Остроумов ва О.Ф.Остроумовалар [53] креатив таълими остида шундай ижодий фаолиятни ташкиллаштиришни тушунадиларки, натижада таълим фаолияти субъектлари томонидан янги креатив маҳсулотларни таълим фаолияти учун яратиш мумкин бўлади, бу ечимнинг оригиналлиги билан ажралиб туради, яъни ўз - ўзини тарбиялашда ва ижодий сифатини намоён қилиш қобилиятини ифодалайди. Шу билан бирга креатив таълимни асосий мақсади яратувчи, фаол шахсни шакллантириш ва ижодий потенциални очишдир. Бунинг учун талабаларда ижодий индивидуаллигини такомиллаштириш, мустақил фикрлашга йўналтириш, мунозаралар олиб бориш ва иштирок этиш, ноодатий ечимларни келтириш, амалиётда креатив сифатларни қўллашга тайёрлик каби қобилиятларни шакллантириш лозим.

Касбий компетентликни шакллантиришда талабанинг ижодий потенциалини шакллантириш таълим жараёнини тўғри ташкил қилинганига боғлиқдир.

Тингловчининг касбий салоҳиятини шакллантиришдаги ижодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш таълим жараёнини тўғри ташкил этиш ҳисобига амалга оширилиши керак.

Олий таълим педагоглари ўзини фанини яхши билиши ва талабаларга етарли даражада етказиб бера олса бўлди, фикр юритишни эса вақтлар ўтиб ўзи ўрганиб олади деган фикр яқин вақтларгача ҳам бор эди, лекин ҳақиқий амалиёт шундан далолат берадики, бу ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бугунги кунда талаба ўз ижодини англаш ва ассимиляция қилишдан кўра, ўз даврининг кўп қисмини, шу жумладан ўз мустақил ишларини интернетдан қидириш ва юклаб олиш учун ўтказди.

Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда, креатив таълимнинг моҳияти шундаки, ўқув жараёни нафақат барча талабаларнинг ижодий қобилиятларни ошқор қилиш орқали билиш жараёнида иштирок этиши билан эмас, балки улар ўзлари билган, ўйлаган, бажара оладиган нарсаларни тушуниш ва акс эттириш имкониятига эгадирлар.

Билиш жараёнида креатив ҳамкорлик фаолияти янгиликларни ўзлаштириш, яъни ҳар бир талаба бу жарёнга ўзининг ўзгача индивидуал хиссасини қўшади, фаолиятнинг усули, ғояси, илми билан алмашинув инатижасида янги ғоялар, янги билимлар ва янги муносабатлар пайдо бўлади.

Креатив таълимнинг моҳияти ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун келинг анъанавий ва креатив таълимнинг қиёсий таҳлилини келтирамиз (1.2. - жадвал).

Анъанавий ва креатив таълимни таққослаш билан асосий фарқни ажратиши мумкин: анъанавий ўрганиш тингловчининг ақл-идрокига таъсир қилади ва креатив таълим эса тингловчининг шахсига таъсир қилади - унинг фикрлари, ҳис-туйғулари, билимлари, инновацион жамиятда фаол ҳаёт учун кизиқиш ва хоҳиш уйғотади. (1.2-жадвал).

## 1.2. - жадвал

Анъанавий ва креатив таълимнинг қиёсий таҳлили

Мезонлари	Анъанавий таълим	Креатив таълим
Малака ошириш мақсади	Билим ва назария билан ўртоқлашиш	Ахбротлашган жамиятда тингловчида креатив қобилиятни ривожлантириш ва фаолликни шакллантириш
Ўқитувчи фаолияти	Актив, билим беришга йўналтирилган	Инновацион бўлиб, бунда ўқитувчи тингловчи креативлигини ташкилий-педагогик шартлар (АКТ) асосида ривожлантиради

Таълим шакли	Фронтал	Фаол бўлиб, АКТ муҳитида янгилик излаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва уни таълим жараёнида қўллайди
Таълим методлари	Оғзаки, кўргазмали	Жамоавий, индивидуал (якка), тармоқ бирлашмаси
Таълим воситалари	Дарслик ва ўқув қўлланмалар	Тармоқ технологиялари, электрон ва мобил технологиялар
Фаолиятни баҳолаш	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади	Ўз - ўзини баҳолаш ва назорат қилади, таҳлил қилади

Креатив таълим ўқув жараёнига таълим олувчини юқори даражада камраб олиш билан характерланади, яъни уларнинг қўйилган вазифани ечишга ижод қилиш ва англаш фаолиятини фаоллаштиради. Креатив таълим фикрни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, таълим олувчини ўз хоҳишига қарамадан узоқ вақт давомида фаол бўлишга мажбурлиги, ўқув тадқиқот жараёнига жалб қилиниши, ижодий томондан мустақил фикр қабул қилиши, юқори даражадаги мотивация ва эмоционалликка эга бўлиш билан фарқланади.

Психологик - педагогик адабиётларда креатив таълимни турли методлари классификацияси келтирилган:

1. Фикрлаш тури бўйича классификациялаш (Д.Гилфорда [54]).

1.1. конвергент–келтирилган вариантлардан ягона тўғри ечим топишга қаратилган

1.2. дивергент - имкони борича ечимга олиб борувчи вариантлар сонини ишлаб чиқишга қаратилган

2. Э.Бос классификацияси [55]:

2.1. Интуитив - қисқа муддатга ва спонтанликка асосланган,

тайёргарликсиз интуитив фикрлаш, вазифани таҳлил қилиш ва амалий бажариш, лекин муаммони тўғри қўйиш мажбурияти (бундай техник методларга “Ақлий ҳужум», “Кескин бурилиш»

2.2. дискурсив (маъруза) - берилган топшириқни таҳлил қилиш, бунда муаммони тўлалигича ўрганиш ва унинг ечимига кадамма–қадам силжиш талаб этилади (“Морфологик кути», “Релевантлик асосида дарахтсимон таҳлил» ва б.лар);

2.3. комбинацияланган - интуитив ва деструктив турдаги техник методлар ҳусусиятларини биргаликда қўллаш (бундай турдаги техник методларга “ТРИЗ», “Уолт Дисней методи», “Келажак устахонаси» ва б.лар);

3. А.Зусман классификацияси [56]:

3.1. шартлар /мотивация/ ташкиллаштиришни яратувчи методлар - креативликни ривожлантирувчи муҳит яратиб беради (бундай турдаги техник методларга “Напалон методи», “Муסיқа тинглаш» ва б.лар);

3.2. рандомизация (такрорий) - тасодифий ечимларни топишга ёрдам беради (бундай турдаги техник методларга “Ақлий ҳужум» ва б.лар);

3.3. фокуслаш усуллари - бир муаммони ечишга ва умидсизликдан қочишга ёрдам беради, техниканинг босқичма-босқич таърифини ва ҳаракатлар учун аниқ кўрсатмаларни таклиф этилади (« Белгилар рўйхати» ва бошқалар);

3.4. тизимлар - муайян тартибда бажарилиши керак бўлган йуналтирилган ёки тасодифий босқичларни ўз ичига олади (бундай методлар « ҚФД» ва бошқаларни ўз ичига олади);

3.5. белгиловчи методлар - олдиндан белгиланган траекторияларни (масалан, « Муаммони бартараф қилиш» (бир қадам), « ТРИЗ» (идеал эчим топиш учун мўлжалланган кўп босқичли жараён) ва бошқаларни киритиш учун бир ёки кўп босқичли тавсиялар бериш;

3.6. эволюцион методлар - ўрганилаётган тизимни ривожлантиришнинг асосий қонунларига (ТРИЗ ва шу кабилар) мувофиқ яратилган;

3.7. ахборот базасининг инновацион усуллари - инсон инновацион тажрибасининг ўтмишидан олинган ва тузилган билимлардан фойдаланилади. (« Зиддиятлар столи» , « 40 та инновацион принцип» ва бошқалар)

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари бошқа турдаги классификациялар ҳам мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, психология ва педагогика ҳам таълим муассасаларининг турига қараб ижтимоийлик шартларидан келиб чиққан ҳолда креативликка тўғридан-тўғри боғлиқ. Улар консерватив таълим муҳити шакллантирилган таълим муассасалари мавжудлигини кўрсатдилар, бунда у ерда шундай муҳит яшаётгани эмас, балки уни яратаётганлари ҳақида гапирилади. Шу билан бирга, креатив фикрлашни рағбатлантирадиган таълим муҳити яратилган таълим муассасалари ҳам мавжуд. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, креатив таълим қобилиятни ривожлантирувчи имконият сифатида таълим жараёнини ташкиллаштиришга боғлиқ.

Бундан ташқари бир қатор тадқиқотчилар [57, 58, 59, 60] «креативликнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни турли соҳалар ва билимлар учун ўзига хосдир, шунинг учун профессионал ижодкорликнинг ўзига хослигини кўрсатиб турибди, бу эса профессионал муаммоларни ҳал қилишда ижодий ёндошишда ҳамда фаолиятнинг ижодий маҳсулотини яратишда намоён бўлади» деб таъкидлайдилар.

Шундай қилиб, тадқиқот муаммолари бўйича адабиётларни таҳлил қилиш қуйидаги асосий ғояларни ажратиш олишга имкон берди:

1) инновацион иқтисодиётнинг муваффақияти бевосита креатив одамларга боғлиқ;

- 2) креатив одамларни шакллантириш - таълим тизимининг вазифаларидан бири;
- 3) креативлик - шахснинг ҳар қандай фаолиятда янги, оригинал ғояларни яратиш қобилияти;
- 4) креативликни креатив таълим асосида ривожлантириш мумкин;
- 5) креативликнинг ривожланиш жараёни турли фаолият соҳаларига хосдир.

## **1.2. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчиларига креатив таълим беришнинг педагогик муаммолари**

Тадқиқот жараёнида педагогик кадрларни креативлигини ривожлантириш бўйича диссертация ишлари таҳлил қилинди. Таҳлилга кўра ушбу йўналиши бўйича икки асосий йўналиш кўрсатилди, яъни:

- 1) мутахассис креативлигини ривожлантириш учун педагогик шартларнинг берилиши;

- 2) ўқитишда турли метод ва технологияларнинг қўлланилиши

Педагогларнинг касбий муҳим сифатларидан бири инновацион педагогик фаолиятга интилишдир. Бу инновацион педагогик юксалиш таълим ва тарбияни янги қирраларини кўради, ноанъанавийлик ва оригиналликка асосланган янги педагогик технологияларни, энг асосийси фикрлаш, тарбиялаш, тушунишни актуализациясини оптималроқ формасини яратишдек далилларга асосланади. Демак, педагогик кадрларга шундай имкониятлар эшикларини очилишига креатив салоҳият сабаб бўлади [61,62, 63, 64,65,66].

И.В.Шовгурова биринчи бўлиб ўзининг « Бўлажак ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантиришда этномаданият анъаналарини ижтимоий ўрганиш технологиялар асосида шакллантириш» деб номланган диссертация

ишида креативликни бўлажак ўқитувчиларнинг асосий профессионал қобилияти сифатида кўради [67].

Биринчи йўналиш И.А.Ледовскийнинг « Олий таълим муассасасида таълим олиш жараёнида бўлажак педагог- психологларнинг креатив ривожлантириш» деб номланган тадқиқот ишида кўрилган. У талабаларнинг креатив фикрлашининг психологик- педагогик шартларини аниқланган:

- талабаларнинг креатив фикрлаши тўғрисидаги билимлар профессионал муаммоларни ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади.

- фикрлашнинг ассоциатив ривожланиши, инициативлиги, муаммонинг оригинал (асл) ечимини қабул қилишга асос бўлади.

- ақлий жараёнларнинг фаоллашуви психологик инерцияни фикрлаш ва ҳатти-ҳаракатларда енгиш усулларини ўзлаштиришни ўз ичига олади [68].

Е.Е.Щербакованинг [69] « Профессионал тайёргарлик асосида ОТМ талабаларининг педагогик креативлигини шакллантириш» деб номланган диссертацион тадқиқот ишида педагогик креативликни мазмуни коммуникатив ва дидактик креативликни таҳлили асосида тавсифланади ва ижодий қобилиятнинг куйидаги кўрсаткичлари ажралиб кўрсатилади:

- топқирлик;
- комбинациялаш қобилияти;
- дивергент (ажралиб турувчи) фикрлаш;
- визуал ижод;
- ассоциативий (уюшмавий) қобилият.

Ю.Р.Варлакованинг «ОТМ педагогик йўналишида таҳсил олаётган бўлажак бакалавр талбаларининг креативлигини ривожлантириш» деб номланган тадқиқотида ёзишича, педагогика йўналишида таҳсил олаётган бўлажак бакалаврлар креативлиги бу фаолиятини ўзгартириш қобилияти, яъни ўз-ўзини англаш, педагогика соҳасидаги билимларга асосланган ҳолда, келажакдаги касбий фаолиятларда ижодий натижаларга эришиш учун



ностандарт ва функционал мақсадларга йўналтирилган ғояларни тезкор ишлаб чиқиш қобилияти билан тавсифланади [70].

У педагогик кадрларни креативлигини ривожлантиришнинг қуйидаги педагогик шартларини тавсифлайди:

- ўқув жараёни фаолияти, гуруҳ шаклида фаол методлар асосида ўқитиш вазиятга боғлиқ муаммолар;

- ўқув жараёнига кирмайдиган фаолият, талабаларнинг турли конкурс ва кўргазмалардаги иштироқи.

Илмий-тадқиқот фаолиятида бўлажак ўқитувчиларнинг креатив компетентлигини шакллантириш А.Г.Шумовская томонидан ўрганилган [71]. Креатив компетентликни шакллантириш интизомий, тренингли, аудиториядан ташқарида бўлган ва курс ишларидан иборат бўлган модулдан ташкил топган муаллиф томонидан ишлаб чиқилган модулли дастурга асосланади. Бунда аудиториядан ташқари модулда талабаларга «Менинг карьерам» номли проект юзасидан илмий - тадқиқотлик конкурси ўтказилган. Қолган модулларда «Креативлик кундалиги», портфолиони қўллаш, интизом бўйича дарсларни ташкиллаштириш, «Илм.Санъат.Перспектива» ва бошқа конкурсларни кенгайтиришни модернизация қилишни ўз ичига олган.

Диссертацияда кўрсатилган юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, педагогик кадрларни креативлигини ривожлантиришнинг асосий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- муаммолиликни қўллаш, сўзлашув ва индивидуаллаштиришни эмоционал реакция ва ҳолатга қўллаш;

- систематик рефлексия;

- таълим мазмунини амалий билимлар билан бойитиб, яхлитлик, ҳаёт шакли, муаммо ва контекстлилик билан тавсифлаш.

Педагогик кадрларни креативлигини ривожлантириш технологик ёндашув асосида креатив потенциални ривожлантирувчи креативликни умумлаштирилган технологиясига асосланади. Бу йўналишда В.Г.Рындас

томонидан киритилган педагогик креативлик термини қизиқиш уйғотади [72].

В.Г.Рындак монографиясида креатив ўқитувчи, креатив дарснинг мазмуни ва структураси келтирилган, яъни педагогик креативликни умумий асосини ёритувчи характеристикалар, креатив тахнологияларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги классификацияланган.

Бизнинг тадқиқот ишимизга В.Г.Рындак томонидан ишлаб чиқилган креатив тахнологияларнинг классификацияси қизиқиш уйғотди:

1) тушуниш асосидаги тахнология, « ғоялар майдони» ни шакллантириш;

2) муаммоли ва ривожлантирувчи таълим асосидаги тахнология, жумладан ғояларни яратувчи тахнология;

3) шахснинг эмоционал соҳаси; ахлоқий танлов;

4) амалга ошириш қобилияти, шакл ва услубини ривожлантириш тахнологияси; стереотипларни қайта қуриш ва бузилиш тахнологияси;

5) визуал креативлик тахнологияси;

б) ижодий қобилиятни яратувчи тахнология.

Замонавий АКТ ни қўллаш АКТ воситалари ёрдамида креативликни ривожлантиришга йўналтирилган.

В.Г.Анацкая [73] бўлажак менежерларга информатика фанини олиб боришда таълим жараёнини ташкиллаштириш ва уларнинг АКТ муҳитида креативлик ривожлантириш муаммоларини ўрганган.

«Информацион тахнология воситалари ёрдамида бўлажак ўқитувчиларни педагогик ижодкорликка тайёргарлигини шакллантириш» бўйича тадқиқот иши А.П.Шмакова [74] томонидан олиб борилган.

А.С.Макаровнинг ишида эса [75] креативликни ривожлантирувчи асосий воситаларни кўришимиз мумкин:

- ижодий характерга эга бўлиш;

- АКТ ни қўллаш;

- амалиётга боғлиқ ҳолда воқеилик яратиш;
- муаммоли саволлар тузиш.

А.В.Морозов ва Д.В.Чернилевский [76] томонидан ёзилган «Креатив педагогика ва психология» номли ўқув қўлланмада ижтимоий тажрибага эга бўлган олий тоифали мутахассисларни олий таълимда фаолият юритувчи педагогик фаолиятга тайёргарлик жараёни таҳлил қилинади. Ўқув қўлланмада англаб олиш мотивацияси, таълим ва ижод, креативлик ва уни таснифи, ижодий муаммоларни ечиш методлари, шахсий профессионал ривожланиш креатив педагогика сифатида, дидактик ўйинлар креатив педагогика ва психологиянинг аҳамиятли элементи оид саволлар таҳлили қўйилган.

А.Ю.Глухованинг диссертацион тадқиқоти [77] шуни кўрсатадики, креативликни ривожланиши талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиши натижасида ҳам пайдо бўлади.

Г.С.Альтшуллер томонидан [78] техник тизим билим соҳаси ривожланиши механизми масаларини ечимига олиб борувчи амалий метод - ТРИЗ (тадқиқот масалаларини ечиш назарияси) ишлаб чиқилган. ТРИЗ мақсади психологик инерцияни ечиш фойдасига ижодкорликни кучайтириш.

ТРИЗ асосий функцияси қуйидагилардан иборат:

- турли даражадаги ва йўналишдаги тадқиқот масалаларини ечиш;
- техник тизимлар ривожланиши башорати (прогноз);
- шаклланиш, ижодий фаолиятда инсон табиий қобилиятларини қўллаш;
- идеалига яқин бўлган коллектив (ҳамкасбларга) эга бўлиш.

ТРИЗ асосида креативликни ривожлантириш кўпгина тадқиқотларда кўрсатилиб берилган.

Масалан, Е.А.Федорова ТРИЗ атамасини педагогик йўналишга эга бўлган, ТРИЗ қонунларига тўла риоя этиш, ижодий масалаларни ушбу метод билан ечишни мақсад қилган ҳолда педагогикага киритган [79]. У ТРИЗ

ёрдамида информатикага оид масалаларни ечишда ҳам қўллаш мумкинлиги айтиб ўтган.

М.М.Зиновкина [80] креатив таълимни кўп даражали узлуксиз тизими НФТМ-ТРИЗ (ижодий фикрлашни узлуксиз шакллантириш) (НФТМ-ТРИЗ (непрерывное формирование творческого мышления – теория решения изобретательских задач)) ишлаб чиққан бўлиб, педагогика фанига аҳамиятли ҳисса қўшди.

Креатив педагогика предмети бўлиб узлуксиз таълим тизимида шахс креативлигини механизми ва қонунларини шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ҳисобланади.

НФТМ-ТРИЗ тизимининг методик, методологик ва технологик асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Г.С. Альтшуллернинг тадқиқот масалаларни ечиш назарияси;
- Ижодий тафаккур ва фантазия ривожланиш методологияси;
- Шахс ижодкорлигини ривожланиш назарияси;
- М.М.Зиновкина томонидан муаммоли - алгоритмик тизимий ўқитиш;
- Н.Г.Хохлованинг илмий-педагогик концепцияси интеграциялашган таълим тизими;
- Р.Т.Гарееванинг креатив инженер таълимида кўп ўлчамли эвристик суҳбатлари;
- Р.Т.Гареева, М.М.Зиновкинанинг фикрлашнинг компьютерли интеллектуал тизими;
- В.И.Андреева томонидан конкурентология (рақобатчилик) - рақобатчиликнинг ижодий ривожланиш технологияси;
- С.П.Андрееванинг рақобатчиликни шакллантириш модели;
- Профессионал - ижодий потенциални ривожлантиришнинг психологик педагогик йўли.

НФТМ-ТРИЗ тизимининг дидактик асоси «Ижодкорлик ва фикрлашнинг компьютерли интеллектуал асоси» интегратив даври ҳисобланади, бунда

замонавий профессионал ижодкорлик методологиясини ўзлаштирган ҳолда таълим олувчиларни профессионал - ижодий фаолиятга тайёрлигини шакллантиради. Таълим жараёни узлуксиз ва тизимли ҳарактерга эга бўлиб, таълим олувчиларни фаол қидирув фаолияти шартлари берилган тақдирда тизимли ижодий фикрлаш самарали шаклланади.

Ҳар бир тадқиқот жараёни педагогик илмга ўзининг боғлиқлигини намоиш этади. Биз тадқиқот ишимизга юқоридаги тадқиқотлардаги технологик қарашларни - олий таълим ўқитувчисини креатив таълим асосида таълим жараёнини олиб бориш технологиясини асос қилиб олдик.

Ф.М.Закирова ўзининг «Бўлажак информатика ўқитувчиларининг назарий ва амалий тайёргарлигининг методик асоси» номли тадқиқот ишида белгилашича, «Педагог фаолият билан фан ўқитувчиси бир - биридан ўзига хос таркиб билан яъни аниқ бир фаннинг функционал ва тузулмавий хусусиятлари ажралиб турар экан» деган фикрни билдиради [81, 82, 83, 84]. У томондан информатика ўқитувчиси учун информатика бўйича илмий методик адабиётлар таҳлили натижасида педагогик фаолиятнинг объектив асослари ажратиб кўрсатилган.

«Булардан асосийси шундаки, информатика сўзи асосий тушунчасига (информация, алгоритм, компьютер, программа, модель, АКТ) ҳар хил қарашлар мавжуд, яъни информатикани ўқитиш фани, воситаси, таълимни бошқариш элементи сифатида ва таълим янги муҳити сифатида» . Бу информатика ўқитувчиси фаолиятига профессионал методик тарафдан ўзининг изини қолдиради.

Ф.М.Закирова информатика ўқитувчиси томонидан замонавий ахборотлаштириш шароитида профессионал методик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатган.

1. Информатика ўқитувчиси информатика фани ривожининг динамикаси, уни ўрганиш объектлари қаторини кенгайтириш, концептуал аппаратларнинг ўзгариши, мавзу ва услубларнинг мунтазам кенгайиши,

Ўзгаришига олиб келадиган ва информатика фанини ўқитишнинг методик тизимларида ўзгариш шароитида ишлайди. Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиши ўқитувчининг шахсий ривожланиши учун янги зарур шароитни тез ўрганиш имконини беради.

Лаборатория амалий машғулотларни замонавий компьютер синфларида олиб бориш информатика ўқитувчисини бир вақтнинг ўзида психолог, педагог ва техник бўлишини талаб этади. Машғулотларнинг мукамал даражада олиб борилиши учун нафақат инсон– инсон («ўқитувчи– ўқувчи», «ўқувчи– ўқувчи»), балки «инсон –техник» («фойдаланувчи– ўқувчи», «ўқитувчи– компьютер») ҳам шунингдек «техника– техника» («компьютер– компьютер») бўлиш ҳам зарур.

2. Информатика ўқитувчиси нафақат синфда (ёки компьютер синфида), балки замонавий АКТ шароитида ҳам ишни самарали ташкил қилиши керак.

3. Информатика ўқитувчиси компьютерда меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш хавфсизлиги бўйича фаолиятни доимий равишда олиб боради.

4. Информатика ўқитувчиси алгоритмик фикрлаш билан тавсифланади, бу унинг профессионал фаолиятини янада самаралироқ қилади.

5. Информатика ўқитувчиси ўз иш дастурида педагогик воситалардан, амалий дастурларнинг турли тўпламларидан, электрон адабиётлардан ва бошқалардан фойдаланади, улар доимий янгиланади ва яхшиланади.

6. Информатика ўқитувчиси таълим-тарбия жараёнида замонавий АКТ воситаларини жорий этиш соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-услубий иш олиб боради.

Артикбаева З.А.<sup>5</sup> «Малака ошириш тизимида мактаб математика ўқитувчиларининг касбий-методик кўникмаларини такомиллаштириш» номли диссертация ишида «Тингловчиларда репродуктив кўникмалар сифатида методиканинг амалий масалаларини ечиш, методик муаммоларни

---

<sup>5</sup> Артикбаева З.А. Малака ошириш тизимида мактаб математика ўқитувчиларининг касбий-методик кўникмаларини такомиллаштириш. п.ф.н. диссертацияси. Т.-2004. Б.-163

ижодий англашнинг тадқиқий малакаларга ўтиш кетма-кетлиги кўриниши берилган:

- зарур билимларни эгаллаш;
- кўникмаларни репродуктив даражада шакллантириш;
- фаолиятни намойиш қилиш - яхлит ва элементлари бўйича;
- содда вариантларда (топшириқни сунъий содалаштириш, уни бўлакларга ажратиш) кўникмаларни мустаҳкамлашни ташкиллаштириш;
- узлуксиз тескари алоқали мустақил амалиётни ташкил қилиш;
- изланувчанлик, продуктив (маҳсулдор, ижодий) босқичга ўтиш;
- турли хил муаммоли вазиятларни ташкиллаштириш - ностандарт масалаларни ечиш, воқелиқни муносиб моделлаштириш;
- ўз фаолиятини мажбурий таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкиллаштириш, уни жамоада муҳокама қилиш.

Тингловчиларнинг муайян муаммолар бўйича индивидуал изланувчан фаолиятини ташкил қилиш, изланиш натижаларини реферат, маъруза, методик мақола, курс иши кўринишида тақдим этиш» [85].

Шундай қилиб, нафақат информатика ўқитувчиси, балки математика ва физика ўқитувчиларини асосий фаолият объектлари - талабалар, педагогик жамоавий ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳисобланади. Информатика, математика ва физика ўқитувчисининг ўзига ҳос касбий - шахсий фазилатлари когнитив фаоллик, узлуксиз ўз - ўзини ўрганиш, ва англаш эҳтиёжи, алгоритмик фикрлаш, қаттиқ меҳнат, танқидий ижодкорлик, интизом, хулқ-атвор маданияти, меҳнат, « шахс - шахс» тизимида, ҳамда « инсон - компьютер» ва « компьютер - компьютер» тизимларида мулоқот қилиш қобилиятига эгалик кабилар ҳисобланади.

Шундай қилиб, қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

- 1) Информатика, математика ва физика ўқитувчиси фаолияти жуда кўп ўзига ҳос хусусиятларга эга;

2) АКТ ва мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш АКТ - ўқитувчиларнинг касбий фаолияти сифатига боғлиқ;

3) Информатика, математика ва физика ўқитувчиси ижодкорлигини ривожлантириш муаммоси - долзарб педагогик муаммо.

### **1.3. Креатив таълим жиҳатидан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчилари таълим мазмуни таҳлили**

XXI аср бошида таълимда малака ошириш ва катталар таълими узлуксиз таълим сифатида қаралган.

		<p>Ақлий харита</p>	<p>Иштирокчилар бир варақ қоғоз ва қалам олади. Бошланиш нуқтаси - бу марказий варақда ҳар қандай жойда ёзилиши керак бўлган дизайн муаммоларини ўз ичига олган сўз. Марказий сўздан ташқари, сиз калит сўзларни (асосий тушунчанинг баъзи қисмларини) ёзишингиз керак, уларни ўқлар ёки филиаллар билан бирга боғлашингиз, ўзаро алоқаларни тасаввур қилишингиз керак. Ҳар бир сўздан</p>

			таркиб топган филиалга (иккинчи даражали қисмлар ва бошқалар) ажралиб чиқадиган янги филиал кириши мумкин. Биз харитани кенгайтиришни давом эттиришимиз керак, шунинг учун биз аллақачон чизилган филиалларга мавзунни тугатмагунча калит сўзларни кўшиб қўйган ҳолда қўшамиз.
4	Янгилик яратиш ва ўзлаштириш	Плюс, минус, қизиқарли	Ғояларни учта гуруҳга ажратилади: ижобий(плюс), салбий(минус) ва қизиқарли(қизиқ). Ундан кейин тоифалашган жадвал тузилади: Плюс – ижобий сабаблари Минус – салбий сабаблари Қизиқарли – қизиқарли томонлари Ҳар бир ғоя ўзининг ижобий (+1 балл), салбий ((-1 балл) ва қизиқарли томонлари (+1 балл) билан баҳоланади. Ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳисоб-китобларида энг кўп балл тўплаган ғояларни ўртага ташлайди, кейин улар муайян профессионал муаммоларни ҳал қилиш учун мос вариантларни таққослаш, муҳокама қилиш ва аниқлаш учун солиштирадидлар.
		KWHL методи	KWHL (биласизми?, билишни хоҳлайсизми?, қандай билиб олсам бўлади?, нимани ўрганиб олдим?) - мавзудан аввал талабаларининг билим ва

			<p>кизиқишлари даражасини билиб олиш учун ўқитувчилар қўллаши мумкин бўлган ва талабаларнинг ўқиш якунида баҳолаш орқали ёрдам берувчи восита.</p> <p>Қандай қўлланилиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- синф ёки гуруҳни фикрини жамлаш жараёни сифатида;</li> <li>- мавзугача ёки мавзунинг бошида талабаларнинг мавзу ҳақидаги билимларини билиб олиш учун;</li> <li>- талабалар нимани билишни хоҳлашларини билиб олиш учун;</li> <li>- талабалар нимани билишни хоҳлашларини билиб олиш учун ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ва аниқ тузиб чиқиш;</li> <li>- вазифадан сўнг акслантириш учун.</li> </ul> <p>Нима учун қўлланилиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бу структураланган жараён бўлиб, у ўқитувчиларга ўқувчилар нималарни билиши ва уларнинг саволлари ва кизиқишлари қаерда эканлиги ҳақида маълумот беради;</li> <li>- бу талабаларнинг ўзларини ўқитишига имкон беради;</li> <li>- у юқори фикрлашга ёрдам беради;</li> <li>- у ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ўқитувчи ва талабаларга ёрдам беради;</li> </ul>
--	--	--	--

			<p>- у ўқитувчига ва ўз - ўзини баҳолашга ёрдам беради.</p> <p>Қачон қўлланилиши:</p> <p>- « Биласизми?» , « Билишни хоҳлайсиз-ми? » ва « Қандай қилиб саволларни билиб оламан?» саволларини беришда энг бошида ёки янги мавзу ёки бобни бошида;</p> <p>- ҳар бир талаба нимани билиб олганлигини билиб олишда мавзу ёки бобни охирида;</p> <p>Қандай қўлланилиши:</p> <p>Икки қисмга бўлинган катта қоғоз бўлагини талабаларга беринг. Мавзу ёки боб қоғоз тепасига ёзилади; Тепа қисмда « Нималарни биламан» саволи ёзилади. Пастги қисмда « Нимани билишни хоҳлайман» саволи ёзилади; Бу саволларга жавоб топиши учун талабалар ёлғиз ўзи, жуфт бўлиб ёки кичкина гуруҳларга бўлиниши мумкин; Жавоблар синфдагиларнинг билимлар ва қизиқишлар базаси нима эканлигини билиб олиш учун муҳокама қилиш мумкин. Ўқитувчи саволларни кўриб чиқиши ва жавобларни эълон қилиши ҳам мумкин. Талабаларнинг жавоблари мавзу ёки бобни ўқитиш ва уни ишлаб чиқишга йўналтирилган;</p>
--	--	--	---

			<p>Иккинчи қоғоз мавзу ёки бобни ўқитиш режасини ишлаб чиқиш учун керак бўлади. Буни индивидуал ёки кичкина гуруҳларда ёки бутун гуруҳ билан ўқитувчи билан маслаҳатлашиб амалга ошириш мумкин;</p> <p>Мавзу ёки бобни охирида талабалар « Нималарни билиб олдим» саволига жавоб беришади. Улар жавобларини аввалги саволларга беришади ва бу орқали улар билимлари қанчалик даражада ортганини ва ўзлари билишни хоҳлаган маълумотга эга бўлишганлигини аниқлашади.</p>
		Креатив техника « 6 сават»	<p>Барча ғоялар карточкаларга ёзилган ва 6 та саватга бўлинган: бемаъни, зерикарли, ҳақиқий эмас, бошқа вақт фойдали, ижодий ва яхши. Тарқатишдан кейин « Креатив» ва « Яхши» номлари билан саватчалар ҳақида фикрлар мавжуд, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинади, ечимлар бирлаштирилади, энг муваффақиятли вариантлар пайдо бўлади.</p>
		Янгилик, Ёқимлилик, Яратувчанлик	<p>Ҳар бир ғояни 1-10 баҳолаш талаб этилади: янгилик, ёқимлилик, яратувчилик. Бунда ҳар бир берилган ғояни ҳисобга олиш зарур, яъни ички ва ташқи ҳиссиётни ҳам. Баҳолаш</p>



			тугагандан сўнг вариантлар саналади ва натижалар диалог шаклида муҳокама қилинади.
		Оддий. Мураккаб. Нореал.	Берилган кейс юзасидан ғояларни оддийлиги (кам сарф-ҳаражат талаб этади ва қисқа фурсатда бжариш мумкин), мураккаблиги(бажариб бўлади, лекин вақт ва сарф-ҳаражат талаб этади) ва нореаллиги (бажариб бўлмайди) бўйича туркумланади.
5	Янгиликни жорий этиш	Ўзганинг фикри	Турли нуқтаи назарга эга бўлган ва бу соҳада мутахассис бўлган уч-тўрт кишидан иборат бўлган рўйхатни яратиш керак. Ўқитувчи ўқитувчилар гуруҳини кичик гуруҳларга ажратиши ва ҳар бир жамоага бир ўрни тайинлаши керак. Ҳар бир гуруҳ тўлиқ театрал маънода ролга киришга ҳаракат қилишлари керак. Асосий вазифа, муаммони турли жиҳатдан қарашни ўрганиш. Ҳар бир гуруҳ ўз нуқтаи назарини бошқа гуруҳларга етказиши керак. Фикр шахсий, ролга боғлиқ муаммоларни ўз ичига олиши керак. Ҳар бир гуруҳ бошқаларга ҳисобот беради, воқеаларни баҳам кўришади, муҳокама давомида жамоалар энг муваффақиятли ечимларни аниқлайди
		ТРИЗ	Қуйидаги алгоритмга риоя қилиш

			<p>тавсия этилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаммони аниқ ифодалаш</li> <li>2. Муаммо майдонини аниқлаш</li> <li>3. Муаммо майдонининг даражасини аниқлаш</li> <li>4. Қарама-қаршиликни аниқлаш</li> <li>5. Идеал якуний натижани(ИЯН) аниқлаш</li> <li>6. Муаммонинг турли даражаларига ИЯНга эришиш учун таъсир ўтказиш орқали қарама-қаршиликни бартараф этиш.</li> </ol>
		SCAMPER	<p>SUBSTITUTE (АЛМАШТИРИШ)- нима билан алмаштириш мумкин?</p> <p>COMBINE (БИРЛАШТИРИШ)- нима билан бирлаштириш мумкин?</p> <p>ADAPT(МОСЛАШТИРИШ)- нима билан молаштириш мумкин?</p> <p>MODIFY/MAGNIFY(МОДИФИКАЦИЯ БОШҚА ТУРИ (ҲОЛАТИ))- Қандай яхшилашим мумкин? (катта, узоқроқ, баландроқ, ортиқча ишланган, кўшимча функцияларни бажариш)</p> <p>PUT TO OTHER USES (БОШҚА СОҲАЛАРДА ҚЎЛЛАШ)- Нима ўзгариши мумкин? (унинг миқёсидаги ўсиш ёки камайиши, шакли ўзгариши, белгилар (масалан, ранг) ва бошқалар)</p>

			<p>ELEMINATE(ҚИСҚАРТИРИШ)- яна қандай ҳолда қўллаш мумкин? REARRANGE/REVERSE (ТАРТИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ)- Нимани кайта тиклаш мумкин? (Буюртмани ўзгартириш, компонентларни алмаштириш, тезлик ва бошқалар)</p>
--	--	--	--

**Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида  
ўқитувчилари креатив таълими учун тавсия этиладиган методлар**

**Кейс 1**

SCAMPER инглиз тилидан олинган бўлиб, «тез югуриш ёки «югуриб ўтиш» деган маънони билдиради. Аслида бу усул муаммонинг ечимига саволлар ёрдамида «югуриб ўтиш» ни талаб қилади. Ушбу креатив усул Роберт Эберл томонидан 1997 йил таълимга киритилган. Усулнинг асосий мақсади муаммога аниқ савол қўйиш, ҳар бир савол турига қараб жавоб топиш, яъни муаммони ижодкорона таҳлил қилиш, билимларни ўзлаштириш ва излаш, муаммонинг ечимига янгича ёндашишдан иборат.

SCAMPER методи қўлланилишини қуйидаги намунада кўриб чиқамиз. Курс тингловчилари кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга «Глобаллашув даврида видео маърузалардан фойдаланиш имкониятлари» мавзусидаги кейс курс тингловчиларига тақдим этилади.

«Ҳозирги глобаллашув даврида интернет таромоғи орқали реал вақт тизимида ўқитиш тезлик билан ривожланиб бораётган таълим олиш турларидан бири ҳисобланмоқда. Масофавий таълим тизими ихтиёрий масофадан ҳеч бир тўсиқларсиз таълим бериш ва таълим олиш имкониятини яратади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, анъанавий таълим тизимида нисбатан реал вақт тизимидаги масофавий таълим тизимида ўқитиш

самарадорлиги юқорироқдир (Меанс, Тояма, Мерфи, Бакия ва Жонс, 2013) [92].

Тюторлар осонлик билан ўқув материалларини, яъни визуал презентациялар (такдимотлар) ва видео маърузаларни ўқувчига тармоқ орқали керакли форматда жўнатишлари мумкин. Бундан ташқари интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида таълим олаётган талабага сайтга рўйхатга олингандан сўнг турли электрон кутубхоналар ва видео маърузаларга кириш имконияти берилади.

Кифуентес ва Лентс (2009) видео маърузаларнинг афзалликларини кўйидагича таърифлайди: «Анъанавий маърузаларга ўхшамаган ҳолда, талаба видео маърузани кўриб тинглаётганда, уни хоҳлаган жойида тўхтатиб, яна қайта эшитиб, тушунмаган материаллари бўйича бошқа материаллардан фойдаланган ҳолда яна маърузани давом эттириши мумкин» [93].

Бундан келиб чиққан ҳолда, видео маърузалар бир неча маротаба кўришга мўлжалланган. Анъанавий маърузаларда эса видео маърузалар маърузачининг рухсати билан кўрилади ва вақти албатта чегараланган.

Реал вақт тизимидаги масофавий ўқитиш тизимида видео маърузалардан фойдаланиш энг самарали ўқитиш усулидир. Мисол келтирадиган бўлсак, Ванг (2008) Тайванд давлатида 10 йил медицина соҳасида ўқиб, онлайнда ўқитилаётган тиббиёт бўйича видео маърузалар ёрдамида аҳоли орасида тиббий хизматни яхшиланганлигини айтади [94]. Яна бир мисол, Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида жойлашган Чунг- Анг университетида ҳар бир фан бўйича онлайн электрон синфи (e-class) мавжуд. Фанга қатнашишга рўйхадан ўтган талаба «e-class» га ҳам кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу «e-class» да нафақат Microsoft Power Point дастурида қилинган презентациялар балки, видео маърузалар, уй вазифаси топшириқлари ҳам мавжуд. Дарсга маълум сабаб билан қанаша олмаган ёки дарсни яхши ўзлаштира олмаган талаба «e-class» га кириб видео маърузалардан фойдаланиши мумкин» [95].

Юқорида тақдим этилган кейсни “SCAMPER» креатив усули ёрдамида ечадилар.

<b>SCAMPER креатив таълим усули</b>	
<b>SUBSTITUTE (АЛМАШТИРИШ)</b>	анъанавий таълим билан алмаштиришимиз мумкин
<b>COMBINE (БИРЛАШТИРИШ)</b>	анъанавий ва электрон таълим бирлашуви
<b>ADAPT(МОСЛАШТИРИШ)</b>	анъанавий таълим тизимига нисбатан реал вақт тизимидаги масофавий таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги юқорирокдир
<b>MODIFY/MAGNIFY(МОДИФИКАЦИЯ БОШҚА ТУРИ (ҲОЛАТИ))</b>	аралаш таълим (blended learning) дан фойдаланиб таълим жараёнини давом эттириш
<b>PUT TO OTHER USES (БОШҚА СОҲАЛАРДА ҚЎЛЛАШ)</b>	Ванг таъкидлашича медицина соҳасини видео маърузалардан фойдаланиб ўқитилаётгани аҳоли орасида тиббий хизматни яхшиланганлигини айтади
<b>ELEMINATE(ҚИСҚАРТИРИШ)</b>	талаба масофавий таълимда берилаётган видео маърузалардан фойдаланиб дарс машғулотларини ортиқча сарф–харажатсиз ўзлаштириши мумкин
<b>REARRANGE/REVERSE (ТАРТИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ)</b>	агар талаба видео маърузалардан фойдаланиб ўқиш имконияти бўлмаса албатта анъанавий таълимда ўқиши мумкин

Ушбу креатив усулни қўллаш натижасида тингловчилар берилган муаммонинг ечимини ижодий ёндашувлар асосида топишга ҳаракат қилдилар, жумладан, муаммога йўналтирилган саволларни тўғри қўллай

билиш, янги ғоялар яратиш, муаммонинг ечимини ижодкорона таҳлил қилиш ва асл ечимни топиш каби мақсадларга эришдилар.

## Кейс 2

Курс тингловчилари кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга “Таълимда виртуал муҳитнинг аҳамияти» мавзусидаги кейс курс тингловчиларига тақдим этилади.

«Виртуал муҳитни нима? Виртуал муҳитни таърифлаш учун унинг хусусиятларига тўхталамиз: *Қамраб олинган муҳит*: Виртуал муҳит дунёни тасвирловчи жисмоний маконга ёки жойга эга. Бу битта ёки бир нечта жой бўлиши мумкин.

*Аватарлар*: Сизни виртуал муҳитдаги жисмоний тасвирингиз «аватар» дейилади. Аватар сизни виртуал муҳитдек рақамли муҳитда ўзингизни қандай бошқаришингиз ва қандай таъсир кўрсата олишингизни тасвирлайди.

*Бошқа фойдаланувчилар билан ўзаро таъсир ва муносабат*: Виртуал муҳитнинг яна бир хусусияти бу унинг кўп фойдаланувчили эканлигидир. Бунда кўпгина фойдаланувчиларга бир вақтда битта маконга киришга ва бошқалар билан муносабатга киришишга рухсат этилади. Алоқа матнли хабар, овозли хабар ва баъзи ҳолларда видео орқали амалга оширилади.

*Муҳит билан муносабат*: Виртуал муҳитнинг танқидий фарқи инсонларни қандайдир йўл билан муҳитнинг ўзи билан муносабатга кириша олишидир. Виртуал муҳитда муҳит ва муҳитнинг турли кўринишлари билан муносабатдан ташқари инсонларга бирор бир нарсалар қилишга рухсат беради.

*Вазият*: Бу виртуал муҳитни аниқлаш учун қулай кўриниш бўлиши мумкин. Виртуал муҳитда кўпгина бўлаётган ҳодисалар реал ҳаётда бўлаётган ҳодисаларнинг кўзгусидир: Одамларни ўраб турган ҳодисаларга улар таъсир кўрсатадилар ва уларнинг муносабатлари жамият ёки муҳитга қурилган.

*Давомийлиги:* Сиз дунёда бормисиз ёки йўқми виртуал муҳит мавжудликда давом этмоқда, эҳтимол ўзгараётгандир. Шу маънода виртуал муҳит бирор бир жойга ўхшайди; у бошқа бир жойга кетиб қолмайди. Сиз виртуал муҳитни тарк этишингиз мумкин, лекин у келишни хоҳловчилар учун давомли мавжуд бўлади» [96].

Хулоса қилиб айтганда, виртуал муҳит одамлар аватарларда тасвирланадиган, умумий мақсадда бошқалар ва муҳитнинг ўзи билан ҳам муносабатга кириша оладиган давомли рақамли муҳитдир».

Юқорида тақдим этилган кейсни “KWHL» креатив усули ёрдамида ечадилар.

<b>KWHL креатив таълим усули</b>	
<p><b>Нималарни биламан:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Виртуал муҳитдаги жисмоний тасвир “аватар» дейилади;</li> <li>- Виртуал муҳит реал ҳаётдаги каби кўринишга эга бўлиши мумкин;</li> <li>- Виртуал муҳит бирор бир мавзунини яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.</li> </ul>	<p><b>Нимани билишни хоҳлайман:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Виртуал муҳитнинг аниқ таърифи қандай;</li> <li>- Виртуал муҳитнинг қандай хусусиятлари бор;</li> <li>- Виртуал муҳитда инсонлар бир-бирига таъсир кўрсата оладими;</li> <li>- Виртуал муҳитдаги нарсаларга таъсир кўрсатса бўладими (масалан, синдириш, улоқтириш ва ҳоказо).</li> </ul>
<p><b>Қандай қилиб билиб оламан:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Гуруҳдаги бошқа талабаларнинг фикрларидан;</li> <li>- Интернет тармоғи орқали;</li> <li>- ўқитувчи тақдим этган</li> </ul>	<p><b>Нималарни билиб олдим:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- виртуал муҳит одамлар аватарларда тасвирланадиган, умумий мақсадда бошқалар ва муҳитнинг ўзи билан ҳам муносабатга кириша оладиган давомли рақамли муҳитдир;</li> </ul>

<p>материаллардан;</p> <p>- Мавзуга оид адабиётлардан.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- виртуал муҳитнинг хусусиятлари унинг таърифида намоён бўлади;</li> <li>- виртуал муҳитнинг 6 та хусусияти мавжуд;</li> <li>- бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчи виртуал муҳитда ўзаро алоқада бўлиши мумкин;</li> <li>- виртуал муҳитда нафақат фойдаланувчиларга балки муҳитнинг ўзига ҳам таъсир кўрсатиш мумкин;</li> <li>- виртуал муҳитнинг давомийлиги чексиздир.</li> </ul>
--	---

### Кейс 3.

«Аввалом бор ёш педагоглар, педагог бўлишдан аввал кузатувчиликни мукамал даражада эгаллашлари зарур. Бунда бизлар 2- усул орқали кузатамиз.

- Педагог бўлишдан аввал кузатувчилик қобилиятини ошириши зарур;
- Бўлажак педагоглар ўқитувчилик маъсулиятини аввало билиб олишлари ва синфхоналарни чегаралай олиши, ўқувчи - талабаларни бошқара олиш, уларни қобилиятларини белгилай олиши зарур.

Ўқитувчи ўқитиш қўлланмасида келтирилган барча фаолиятларни тўғри англаб етиши лозим. Баъзи талабалар ўқитувчининг дастурга бўлган эътиборини синаб кўради, албатта дастурда берилган вазифаларни тўлиқ бажара олиши, унга фанидан келиб чиқиб инновацион таълим технологияларини қўллай олиши лозим.



Ахборот коммуникация технологиялари катта аҳамиятга эга, бунда ёш педагог томонидан ўтилган дарс машғулоти видеого олинди ва баҳоланди. Педагог дарс жараёнларини информатика соҳасига яқинроқ қилиб талаба учун янада қизиқарли қилиб ўтқазиб бериши лозим.

**On-line Мониторинг** – (Овоз чиқариб ўйлаш методи) изланишлар ва ҳар бир кутилган жойларга ташриф буюришлар. Булар видео роликлар орқали ёзиб олинади. катнашувчилар овозлари ва фаолияти видео камералар орқали ёзиб олинади.

**Off-line Мониторинг** – (Ёзма ҳисобот) видеода кўриб бўлингандан кейин берилган саволларга жавоблар берилади ва малака, кўникмаларини ёзма ҳолда топширадилар. Икки томонлама видео камералардан фойдаланилади» [97].

#### PMI креатив таълим усули

<b>Plus (ижобий)</b>	<b>Minus (салбий)</b>	<b>Interesting (қизиқарли)</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Талабаларнинг фикрлари муҳимлиги</li> <li>✓ Уларнинг фикрларини яхши ва фойдали томонларини олинди.</li> <li>✓ Фикр билдирилаётганда нотоғри ёки ёмон фикр ҳам инобатга олинади лекин инкор этилади</li> <li>✓ Уни қандай қўллай оламан: бу методга янги воситалар билан қатнашиш</li> <li>✓ Нима учун уни қўллашим керак?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Дарс жараёнида методлардан кўп фойдаланиш ҳам яхши натижа бермайди</li> <li>✓ Назарий маълумотлар кам етказилиб берилиши</li> <li>✓ Методларнинг мураккаблиги туфайли барча талабалар ўзлаштира олмаслиги</li> <li>✓ Гуруҳда талабаларнинг ўзлаштириш қобилияти</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Барча усулларни фанлар кесимида қўллай олмаслиги</li> <li>✓ Ҳар хил ўйинлар орқали талабаларни фаоллигини ошириш</li> <li>✓ Талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожланиши</li> <li>✓ Усулда креативлик тлаб қилинади</li> <li>✓ Ҳеч нарсадан фойдаланмасдан бу</li> </ul>

Талабалар хисобот ва шунга жихатларини топшириш билиши, ўрганиши зарур.	баробар эмаслиги.	жадвалларни шахсий фикр орқали тўлдириш
---	-------------------	---

### Иккинчи бўлим юзасидан хулосалар

1. Ҳозирги кунда таълимнинг асосий мақсади шахсни ривожланиши учун оптимал шартлар билан таъминлаш бўлиб қолмоқда. Бунда педагог нафақат билим бериши балки берилган билимни ўқувчилар ўзлаштириб олишлари учун ҳам ҳаракат қилиши керак. Айнан шунинг учун ҳам креатив таълимга бўлган талаб ошиб бормоқда. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчиларини креатив таълими мақсади бўлиб - профессионал креатив компетентлик ва педагогик маҳоратни ривожлантириш, шунингдек тингловчиларни креатив фикрлашини ижодий таълим методлари орқали такомиллаштиришдир.

2. Олий таълим муассасалари ўқитувчилари профессионал фаолияти таҳлили асосида информатика, математика ва физика ўқитувчисининг креатив салоҳияти таркиби ва мазмуни такомиллаштирилди:

- 1) Креативликнинг таълимда ва ахборотлашган жамиятдаги ролини тушуниш;
- 2) Баҳолаш методлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- 3) Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш;
- 4) Ўқитиш шакли;
- 5) Касбий ривожланиш

3.ОТМ ўқитувчиси креативлиги компетентлиги таркибини такомиллаштириш асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида

таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчилари учун креатив таълим тизими такомиллаштирилди.

4.Тадқиқот натижасига кўра қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчилари креатив қобилияти ортади, агар креатив таълим технологияси учун махсус ташкилий-педагогик шартлар яратилса. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчиларида креатив таълимни амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий–педагогик шартлар керак:

1) Информатика, математика ва физика ўқитувчиси сифатида илмий–педагогик мотивация қўллашни аниқлаш;

2) Ўқув жараёнини педагогик ғоя, сайт, блог ва х.к.лар, яъни реал педагогик лойиҳалар асосидаги ишлаб чиқарилган ишни аниқлаш кўринишидаги аниқ маҳсулотни олишга йўналтирилганлик;

3) Дарс машғулотларини олиб боришда интерфаолликдан ва креативликни ривожлантирувчи методлардан, шунингдек ижодий муҳитни яратишда дизайн - фикрлашдан фойдаланиш;

4) Узлуксиз ўз руҳий ҳолати ҳақида фикр юритиш (рефлексия);

5) Ўқув - методик таъминотни яратиш учун педагогик инновация ва инновацион фаолият натижасини қўллаш.

5. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчиларини ўқитишнинг босқичли креатив таълим методикаси тақдим этилди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчиларини ўқитишни креатив методлар асосида ривожлантиришни креатив таълимга адаптация қилиш (мослашиш) учун биз классификация принципи асосида компьютерда ва дастурлаш технологиясида масалаларни ечиш босқичини ривожлантирдик.

6. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика ўқитувчилари креатив таълими учун ўқув - услубий мажмуа ишлаб чиқилди ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Маъруза машғулотларини олиб бориш учун услубий қўлланма;
- 2) Амалий машғулотларини олиб бориш учун кейс материаллар тўплами;
- 3) Назорат - ўлчов материаллар (тестлар);
- 4) Тингловчиларни креативлигини ривожлантириш методикаси.

**III – БОБ. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсида тахсил олаётган информатика, математика, физика ўқитувчилари учун креатив таълимнинг илмий - методик мажмуаси**

**3.1. Маъруза машғулотларини олиб бориш учун услубий қўлланма**

**1. Инновацион фаолият - олий таълим муассасаси ўқитувчилари ва талабаларининг билим савиясини юксалтириш омили сифатида**

Режа:

*1.1. Инновацион фаолият тушунчаси.*

*1.2. Инновацион фаолият турлари ва субъектлари.*

*1.3. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни йўлга қўйиш.*

Маълумки, мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ва демократик янгиликларни жараёнида фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур.

Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси - ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.<sup>6</sup>

Айниқса, инновация ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, янги илмий ишланмаларни рағбатлантириш борасида етарли тажриба тўпланган. **Инновацион фаолият** – яқунланган илмий тадқиқот ва лойиҳалар натижалари ёки бошқа илмий-техник ютуқларни (фан-техника ютуқларини) янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотга;

---

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент : Ўзбекистон, 2017.

бозорда сотиладиган, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга, шунингдек, шу билан боғлиқ кўшимча илмий тадқиқот ва лойиҳаларга жорий қилишга йўналтирилган жараёндир [98, 99].

2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишнинг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва 2007 йил 7 сентябрдаги “Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қарорида куйидаги таъриф таклиф этилади: ”Инновацион фаолият – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён яратиш, ишлаб чиқаришда ўзлаштириш ва амалий қўллаш бўйича ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш”.

**Инновацион фаолият қаторига қуйидаги фаолият турларини киритиш мумкин:**

➤ Амалиётда қўллаш учун мўлжалланган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён яратиш бўйича илмий – тадқиқотчилик, тажриба - конструкторлик ёки технологик ишлар бажариш;

➤ Янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот чиқариш, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён жорий қилиш учун ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва технологик қайта жиҳозлаш;

➤ Янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёни синаб кўришни амалга ошириш;

➤ Харажатлар ўзини оқлашига қадар янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён қўллаш, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш;

➤ Янги маҳсулотни бозор томон ҳаракатлантириш бўйича фаолият;

➤ Инновацион инфратузилма яратиш ва ривожлантириш;

➤ Инновацион фаолиятни амалга ошириш учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

➤ Саноат мулки объектлари ёки махфий илмий – техник ахборотларга эгаллик ҳуқуқини бошқаларга бериш ёки харид қилиш;

➤ Янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараён яратиш ва амалиётда қўллаш бўйича экспертиза, маслаҳат, ахборот, юридик ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

➤ Инновацион фаолиятни молиялаштиришни ташкил этиш.

**Инновацион фаолият субъектларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

➤ Инновацион фаолият билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар;

➤ Инновацияларни амалга оширувчи турли мулкчилик шаклидаги инновацион корхоналар;

➤ Инновацион фаолият жараёнида амалга ошириладиган интеллектсуал мулк эгалари: корхона лойиҳалари, қурилмалар, саноат намуналари, технологик жараёнлар, “ноу-хау”, кашфиёт ва ихтиролар муаллифлари, дизайнерлар;

➤ Инновациялар амалга оширишда капитал киритувчи инвесторлар: банклар, фондлер, корпоратсиялар, лизинг фирмалари ва б.;

➤ Инновацион жараёнга хизмат кўрсатадиган ва унинг инфратузилмасини таъминлайдиган воситачилар: консалтинг ва инжиниринг фирмалари, технологик инкубаторлар, технопарклар, технополислар, ахборот марказлари ва б.;

➤ Инновацион фаолиятни бошқариш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишда иштирок этадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш органлари.

**Субектлар ўртасида улар борасида иқтисодий ва ҳуқуқий мунсабатлар вужудга келадиган инновацион фаолият маҳсулотлари қуйидагилар ҳисобланади:**

➤ Муайян инновацияларни ўзлаштириш натижалари ва технологияларни белгилаб берадиган инновацион лойиҳалар;

➤ Яқиний маҳсулотни сотишда ижтимоий – иқтисодий ва экологик самарани таъминлайдиган технологик жараёнларни ишлаб чиқаришда ўзлаштириш;

➤ Фан-техника ютуқларининг натижаси ҳисобланган тамомила янги ва яхшиланган маҳсулотлар.

**Инновацион фаолият** деб ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизмат сифатини ошириш номенклатурасини кенгайтириш ва янгилаш, уларни тайёрлаш технологиясини оширишни такомиллаштириш ва истиқболда ўзлаштириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда самарали реализация этиш мақсадида илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларининг ишлатилиши ва тижоратлашувига айтилади. Инновацион фаолият ўзида бир қатор илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорат тадбирларини қамраб олиб, улар бир бутунликда инновацияларга айланади.

Инновацион фаолиятнинг асосий кўринишлари қуйидагилардир:

➤ Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил этиш. У ўз ичига янги технологик жараённи яратиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш асбоб-ускунаси, воситалари ҳамда улардаги ўзгаришларни, шунингдек, ишлаб



чиқариш ва сифат назорати жараёнлари, методлари ва стандартларидаги янгиликларни қўлга киритишни қамраб олади.

➤ Ишлаб чиқариш олди тадбирлари. Уларга маҳсулот ёки технологик жараён модификацияси, янги технология ва асбоб – ускунани қўллаш мақсадида ходимларни қайта тайёрлаш ишлари киради.

➤ Янги маҳсулотлар маркетинги. У янги маҳсулот сотуви билан боғлиқ бўлган бозорни бошланғич ўрганиш, маҳсулотларни турли бозорларга мослаштириш, реклама компаниясини ўтказиш каби фаолият турларини ифодалайди.

➤ Четдан номоддий технологияни қўлга киритиш. Улар патент, лицензия, ноу-хау, савдо белгилари, конструкция, моделлар ва технологик мазмундаги хизматлар шаклида бўлиши мумкин.

➤ Моддий технологияни қўлга киритиш. Технологик мазмунига кўра инновацион корхонада маҳсулот ёки жараён инновацияларини тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган машина ва асбоб-ускуналарни харид қилишни билдиради.

➤ Ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш. Мазкур фаолият ишлаб чиқариш жараёнларини ва технологик тадбирларни аниқлаш мақсадида режа ва чизмаларни тайёрлашга йўналтирилади.

Инновацион фаолиятнинг пойдевори илмий-техник фаолият бўлиб, у фан ва техниканинг барча соҳаларида илмий-техник билимларни яратиш, ривожлантириш, тарқатиш ва амалда қўллаш назарда тутилади. Илмий-техник фаолият тушунчаси ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, фан ва техника статистикасида халқаро стандартларнинг муҳим категорияси ҳисобланади. ЮНЕСКО тавсияларига мувофиқ, илмий-техник фаолият статистика объекти сифатида уч кўринишда намоён бўлади:

- Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар;
- Илмий-техник таълим ва кадрлар тайёрлаш;
- Илмий техник хизматлар.

Илмий-техник фаолиятни амалга оширишда илмий ишлар масштаби тушунчаси муҳим аҳамият касб этади, кўйидагиларни мужассамлаштиради:

➤ Илмий-техник йўналиш - мустақил характердаги йирик илмий иш бўлиб, фан ва техниканинг муайян тармоғининг муҳим вазифаларини ечишга бағишланади. Илмий йўналишга ечим топиш қатор илмий ташкилотлар саъи – ҳаракатлари билан амалга ошади.

➤ Илмий-техник муаммо – илмий-техник йўналишнинг бир қисми бўлиб, йўналиш ечимининг йўллари билан бирини билдиради. Илмий иш мақсадли илмий техник дастур кўринишида ечилиши мумкин ва унда ресурслар, ижрочилар, ижро муддатлари кабилар акс эттирилади.

➤ Илмий мавзу – илмий ташкилот доирасида ҳал этилаётган муаммонинг бир қирраси. У қоида бўйича, молиялаштириш, режалаштириш ва иш ҳисоботларида асосий бирлик сифатида иштирок этади. Мавзу мақсади - патент ёки иқтисодий ишлар тадқиқотлари аниқ вазифасини самарали ечишдир. Мавзу мураккаблигига боғлиқ равишда босқичлар ва ост босқичларга бўлиниши мумкин.

Олий таълим муассасаларида (ОТМ) инновацион ғояларни ва илмий тадқиқотларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида олий таълим "инновацион фаолиятни ҳаракатга солувчи куч" сифатида баҳоланмоқда. Энди эса, янги ғояларни эгаллашнинг аҳамияти ҳақида тушунча мавжуд бўлганда, ушбу тенденцияни турли хил ва ноёб таълим муассасаларида тарқатиш ёллари қидириш керак. Ўтган охириги йиллар мобайнида олий ўқув юртлирида экспериментал маданиятни яратиш усулларини яхшироқ тушунишга имкон берадиган тадқиқотлар ўтказилди. Бунда олий таълимда инновацион ҳаракатни жорий қилишда мавжуд бўлган тўсиқлар ва ўқув жараёнининг асосий қисми камчиликлардан ҳоли эмаслигини тан олиш жуда муҳимдир. Инновацион фаолиятнинг олий таълимга интеграциялашуви ҳар бир катта ғоянинг бир жойдан бошлаши

кераклигини тасдиқлайди, бунинг учун талаба ва ўқитувчилар инновацион ҳаракатнинг “бош нуқтаси” бўлиб хизмат қилади. Олий таълим муассасаларининг босқима-босқич бу йўлдан юриши учун ўзларининг ўқув дастурлари ва ишчи режаларини танқидий томондан баҳолаб, унга ўзгартириш киритишлари лозим. Янги ғояларни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тўсиқлар олиб бташланиши лозим.

Олий таълимдаи инноватсияларнинг катализаторлари - бу анъанавий таълим усулларидан ажралиб турадиган ва ғоялар биринчи навбатда илмий-тадқиқот муҳитда пайдо бўлган университетлар.

Янги ёндашувлар университетларни ҳар қандай талаба, ўқитувчи ёки ишчи кашфиёт ёки ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиш учун ишлаб чиқадиган инкубаторлар сифатида ҳаракат қилишни рағбатлантиради. Ўқитувчилар учун суғурта Америка уюшмаси институти ва йиллик рента (ТИАА) томонидан чоп этилган бир ишда, стратегик инноватсиялар татбиқ этишни рағбатлантиришнинг уч омили мавжуд: турли кўникма ва истиқболлари билан одамлар хилма-хиллиги; юқори рағбатлантириш каби ташқи имтиёзлардан фойдаланиш ўрнига ички мотивацияни сақлаб туриш учун ресурсларни тақсимлаш; ва автономиялар, яъни, яқдил қарорларни қабул қилиш амалиётидан фарқли равишда, турли фикрларни ифода этиш имконияти [100].

Инновацияни яратиш учун ОТМ лар эгилувчан таълим тузилишига эга бўлиши керак, яъни ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қодир бўлиши керак. Бунга фақат таваккалчилик, тажрибалар ва янги ғояларни синовдан ўтказиш кабилар рағбатлантириладиган муҳит яратилиши керак. Гарвард университетининг профессори интервьюсида ОТМ ларга “...сиз аввало янги ғояларни кўпайтирувчи бўлишингиз лозим, кейин эса олинган ғояларни бир бутун қилиб бирлаштирасиз ва амалда синайсиз” деб таклиф билдирди. Муваффақиятли ғоялар ва услублар концепцияни синаб кўриш орқали аниқланиши мумкин, аммо ҳар қандай хатоларга тайёр бўлиш

муҳимдир [101]. Малайзия университетининг ўқитувчилари илғор талабаларни тайёрлаш йўллари бўйича ўтказилган тадқиқотда университет муҳитини талабаларнинг хатти-ҳаракатларига таъсирини таҳлил қилдилар. Тадқиқот муаллифлари тўрт босқичли схемадан фойдаланган ҳолда, талабанинг хатти-ҳаракати, яъни қизиқиш ёки ижодкорлик каби хатти-ҳаракатлари жамоавий иш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби ижобий ички ва ташқи омилларнинг мавжудлигида намоён бўлади [102].

Ушбу тенденция университетда илдиз отгунга қадар ўқитувчилар ва ходимларга янги усулларни қўллаш учун барча воситалар билан таъминлаш керак. *The Chronicle of Higher Education* журнали Great Colleges to Work For номли дастурида ОТМнинг 1200 вакилидан инновацияни оммалаштириш йўллари тўғрисида сўровнома ўтказди. Жавоблар таҳлил қилинди ва бешта асосий йўналишлар аниқланди: очик мулоқотга эҳтиёж, факультетлараро муносабат, ўзгаришларда иш жойларини сақлаб қолиш ва раҳбарият томонидан қўллаб-қувватлаш [103]. Талабалар муваффақияти ОТМ нинг асосий инициативи бўлсада, кашфиётларнинг яратилиши раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Янги тенденцияларнинг аҳамиятини тушунадиган университетларда улар прогрессив маданиятни жорий этиш дастурларини фаол равишда амалга оширмоқда. Сидней университетида *Inventing the Future* номли ташаббусни ишга туширдилар. Унинг мақсади- янги маҳсулотни яратиш учун талабаларнинг гуруҳли шаклда билим салоҳиятини ривожлантириш ҳисобланади. Гуруҳ иштирокчилари турли ғояларни қайта ишлайдилар, прототип яратадилар ва маблағ билан таъминлайдиган манбаларни қидириш билан шуғулланадилар [104].

### **Назорат саволлари ва топшириқлари:**

1. Инновацион фаолият деганда нимани тушунасиз?
2. Инновацион фаолият турларига нималар киради?
3. Инновацион фаолият суюъектларига нималар киради?

4. Инновацион фаолият маҳсулотлари нима?
5. “Инновацион фаолиятни ҳаракатга солувчи куч” ни яна қайси соҳаладра кўришимиз мумкин?

**Фойдаланилган адабиётлар:** [98, 99, 100, 101, 102, 103, 104]

## **2. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

**Режа:**

- 2.1. *Онлайн ва анъанавий таълим турлари*
- 2.2. *Аралаш таълим муаммоси ечими “NMC Horizon Ҳисоботи-ОТМ”*
- 2.3. *Глобаллашув даврида видео маърузалардан фойдаланиш имкониятлари*

Охириги йилларда онлайн таълимнинг анъанавий таълимга қараганда афзаллик жиҳатлари кўпроқ аниқланмоқда. Сўнгги вақтларда таълим олувчилар ва ўқитувчилар анъанавий таълимнинг баъзи турларига қараганда онлайн таълимнинг афзалликлари кўпроқ деган хулосага келмоқдалар. Сабаби, таълим тизимида таълим сифатини оширишга қаратилган рақамли ўқитиш платформалари кўпаймоқда, бунда анъанавий ва онлайн таълимнинг энг яхши томонлари бирлаштирилиб аралаш таълим тизими шакллантирилмоқда. Аралаш таълим нархининг пастлиги, мослашувчанлиги, бепуллиги, бундан ташқари таълим жараёнида мураккаб технологияларни қўллаш афзаллиги ушбу альтернатива учун сабаб бўлади. Бу тенденцияга бўлган қизиқиш таълим жараёнида талабаларга таъсир этади ва таълим сифатини оширади. Кўпгина тадқиқотлар онлайн таълим талабаларда креатив фикрлашни ривожлантиришга сабаб бўлишини кўрсатган, яъни талабаларнинг мустақил таълим олишига, индивидуал эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёнига мослаштириш қобилиятини шакллантиришга асос бўлади.

Аралаш таълим ривожланишини талабаларнинг рақамли дунёда ўзини эркин тутиши, яъни керакли маълумотларни юқлаб олиши, таҳлил қилиши, онлайн контентлардан эркин фойдалана олиш қобилитида кўришимиз мумкин. Вақт ўтган сайин ушбу тенденцияга технологияларни қўллаш асосида анъанавий таълимнинг хоҳлаган тури, методи, таълим бериш усулини киритишимиз мумкин [105]. 2016 йил Campus Technology ўқитувчилар ўртасида “Технологияларни қўллаб дарс ўтиш” мавзусида сўровнома ўткази, бунда 71% ўқитувчи лар анъанавий таълим билан бирга онлайн манбалардан фойдаланишини айтганлар [106].

Аралаш таълим (адаптив таълим, онлайн таълим модулларини қўллаш) афзалликларини анъанавий таълим ижтимоий технологилари ва медиа ресурсларини биргаликда қўлланилишида кўришимиз мумкин. Мақсад эса талабаларнинг демографик гуруҳ ва ижтимоийлашувидан келиб чиққан ҳолда уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб таълим моделини ишлаб чиқиш.

Тенденцияни янада ривожлантириш учун ОТМда талабалар таълими учун шарт-шароитлар яратилиши керак. Масалан, Рейерсон университетининг архитектор-талабалари виртуал реаллик гарнитурасини ўзларининг ҳажми катта лойиҳа эскизлари учун қўлламоқдалар [107]. Кўпгина ўқитувчилар ўқув жараёнини интернет билан боғласаларда, кузатувчиларнинг фикрича аралаш таълимда интернетнинг ҳам роли бор, бунда талаба индивидуал ёндашувга эга бўлади.

Аралаш таълим муаммоси ечими “NMC Horizon Ҳисоботи- ОТМ” нашриётининг охириги 5 йиллик тенденциялари рўйхатига киритилган. Лондондаги Импер тиббиёт коллежи талабалари анъанавий ва онлайн таълимни биргаликдаги қўлланилишига асосланган иккита тажрибада иштирок этдилар [108].

Талабалар видеомарузани кўриб, вазифаларни бажариш имкониятини мавжудлигини юқори баҳоладилар. Талабалар ушбу модел тушунарли анимаиялар билан яхши тизимлаштирилгани ва ўз-ўзини баҳолашда

интерактив саволларга эгаллигини айтиб ўтишди [109]. Америка ОТМлари ҳам қабул қилинган ечим аудиторияда ва аудиториядан ташқарида амалга оширса бўлади деган фикрдалар.

Юрист-талабаларга эса аралаш таълим маъруза ва материалларни интернетда кўриш имконини беради, бундан ташқари мураккаб саволларга жавоб топиш учун ҳам вақт етади деб айтмоқдалар [110].

Ҳозирги глобаллашув даврида интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида ўқитиш тезлик билан ривожланиб бораётган таълим олиш турларидан бири ҳисобланмоқда. Масофавий таълим тизими ихтиёрий масофадан ҳеч бир тўсиқларсиз таълим бериш ва таълим олиш имкониятини яратади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, анъанавий таълим тизимига нисбатан реал вақт тизимидаги масофавий таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги юқорироқдир (Меанс, Тояма, Мерфи, Бакия ва Жонс, 2013).

Тюторлар осонлик билан ўқув материалларини, яъни визуал презентациялар (тақдимотлар) ва видео маърузаларни ўқувчига тармоқ орқали керакли форматда жўнатишлари мумкин. Бундан ташқари интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида таълим олаётган талабага сайтга рўйхатга олингандан сўнг турли электрон кутубхоналар ва видео маърузаларга кириш имконияти берилади.

Кифуентес ва Лентс (2009) видео маърузаларнинг афзалликларини куйидагича таърифлайди: “Анъанавий маърузаларга ўхшамаган ҳолда, талаба видео маърузани кўриб тинглаётганда, уни хоҳлаган жойида тўхтатиб, яна қайта эшитиб, тушунмаган материаллари бўйича бошқа материаллардан фойдаланган ҳолда яна маърузани давом эттириши мумкин”.

Бундан келиб чиққан ҳолда, видео маърузалар бир неча маротаба кўришга мўлжалланган. Анъанавий маърузаларда эса видео маърузалар маърузачининг рухсати билан кўрилади ва вақти албатта чегараланган.

Реал вақт тизимидаги масофавий ўқитиш тизимида видео маърузалардан фойдаланиш энг самарали ўқитиш усулидир. Мисол

келтирадиган бўлсак, Ванг (2008) Тайванд давлатида 10 йил медицина соҳасида ўқиб, онлайнда ўқитилаётган тиббиёт бўйича видео маърузалар ёрдамида аҳоли орасида тиббий хизматни яхшиланганлигини айтади. Яна бир мисол, Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида жойлашган Чунг-Анг университетиде малака ошириш даврим мобайнида маълум бўлдики, ҳар бир фан бўйича онлайн электрон синфи (e-class) мавжуд. Фанга қатнашишга рўйхадан ўтган талаба “e-class” га ҳам кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу “e-class” да нафақат Microsoft Power Point дастурида қилинган презентациялар балки, видео маърузалар, уй вазифаси топшириқлари ҳам мавжуд. Дарсга маълум сабаб билан қанаशा олмаган ёки дарсни яхши ўзлаштира олмаган талаба “e-class” га кириб видео маърузалардан фойдаланиши мумкин. Бу албатта таълим олиш самарадорлигини янада оширади ва етук кадрлар тайёрлашга замин бўлади деган фикрдаман.

Ҳозирда видео маърузаларни яратишда қўлланилувчи кўплаб дастурий воситалар мавжуд. Жумладан, Adobe Captivate дастури. Бу дастур ўзининг фойдаланишдаги қулайлиги ва шахсий компьютерга хос параметрларга юқори талаблар қўймаслиги билан ҳам бошқа шу каби дастурий воситаларга нисбатан афзалроқдир.

Қуйида Adobe Captivate дастуридан фойдаланиш учун шахсий компьютер параметрларига қўйилувчи талаблар санаб ўтилган:

- Операцион тизим: Windows 2000/XP/Vista/7
- Процессор: Pentium IV 1 Гц ва ундан юқори
- Тезкор хотира: 1024 Мб
- Дастурни ўрнатиш учун доимий хотирадан 3Гб хажмдаги жой ва лойиҳаларни ёзиш учун жой
- Видеокарта 256 Мб ва ундан юқори
- Онлайн хизмат кўрсатиш учун интернет билан боғланиш
- Исталган интернет браузер



Adobe Captivate дастури Power Point (Microsoft Office) файлларини импорт қилиш билан бирга .SWF форматдаги видео, мусиқа ёрдамида интерактив презентация (такдимот) файлларни яратади.

Дастур MP3, AVI, FLA ва FLV форматдаги файллар билан ҳам ишлай олади. Adobe Captivate дастури фойдаланувчига ёқадиган интерфейсни ўзида намоён қила олади, сабаби, сичконча курсори харакатини визуаллаштириш ва экранни хоҳлаган тарзда расмга олиш имкониятини беради (2-расм). Бундан ташқари фойдаланувчидан экрандаги харакатга изоҳ бериш ва турли режимдаги ўқишни ташкил этишни етарлича бажарилишини талаб этади




2- расм. Видео ёзувни назорат қилиш панели

Ушбу дастурий восита ёрдамида фойдаланувчи турли шаклдаги тестларни ҳам ярата олади. Дастурлаш ва мультимедия объектлари билан ишлашни билмаган фойдаланувчи ҳам дастур орқали юқори сифатли интерактивликка эга бўлган электрон ўқиш учун иловаларни (яъни дастурий моделлар, буйруқ файллари ва матнларни) ярата олади. Видео маърузаларни яратиш алгоритми қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади:

- Меню бандидаги Project Template (3.а- расм) тугмаси ёрдамида янги лойиха ойна очилади;
- Видео тасвирни параметрлари бўйича Width ва Height ўлчамлари берилади;
- Керакли бошқариш элементларини ёзиш ойнасига жойлаштириш (3.б- расм).

N




б)

Бу алгоритмлар натижасида экранда та слайд пайдо бўлади. Бу слайдлар билан хатоликлар юзага келганда уларни тўғрилаш имконияти мавжуд (3-в-расм).

Видео маъруза тайёр бўлгач, лойихани “exe”, “html” ва “avi” форматларда сақлаш мумкин. 3- расмда видео маърузани алгоритм бўйича структуравий чизмаси кўрсатилган.



а)



в)

3- расм. Видео маърузани яратиш структураси: а) Adobe Captivate дастурининг асосий ойнаси; б) ёзиш(record) учун (Vissim) ишчи ойнаси; в) слайдларни таҳрирловчи ойна

### Назорат савол ва топшириқлар:

1. Олий таълимнинг анъанавий таълимдан фарқли жиҳатлари нималарда кўришимиз мумкин?
2. Аралаш таълимнинг Ўзбекистондаги истиқболи?
3. “NMC Horizon Ҳисоботи” да ОТМда яқин 3-5 йиллик инновацион фаолиятни ривожланиши қандай баҳоланган?

4. OTM дарс машғулотида видео маърузалардан фойдаланиш самарадорлигини нималарда кўрасиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:** [105, 106, 107, 108, 109, 110]

### **3. КРЕАТИВ ЎҚИТИШ: МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

**Режа:**

*3.1. Креативлик ва креатив таълим тушунчаси*

*3.2. Креатив таълим моҳияти*

*3.3. Анъанавий ва креатив таълим*

Замонавий таълим қайси соҳада бўлмасин инсонга ўзи ва уни ўраб турувчи олам ҳақида билим берувчи, яшашни ўргатувчи, ушбу билимлар асосида жамият тараққиёти учун эгаллаган касбини мукамал билишга ундовчи ва ривожлантирувчи каби ягона мақсадларга эга. Бундан келиб чиққан ҳолда билим олиш— бу мақсад эмас, балки ҳаётда мақсадга айланган стратегияни амалга оширишга қаратилган воситадир.

Замонавий жамиятда олий таълим муҳим рол ўйнайди. Исталган давлатни тезликда ривожланиши асосий ва инкор этиб бўлмайдиган интеллектуал имкониятлар таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали амалга ошади [111, 112].

Фуқароларнинг саводхонлигини ошириш орқали давлат иқтисодиёти ва жамиятда яшаш тарзи даражасини юксалтиради, ривожланаётган технологиялар эса олий таълимни жаҳон бозорларида нақадар зарурлигини кўрсатади [12].

Креативлик кундалик профессионал фаолиятга кўпроқ киради ва нафақат яқка тартибдаги корхоналарнинг, балки мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ривожлантириш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамиятнинг таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълим методикасини мақсадли адекват (мос, ўхшаш) ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради [113, 114, 115, 116].

Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда креатив таълимни креатив ривожланиш шакли сифатида тадқиқотчи-педагоглар томонидан фаол ўрганилиб келинмоқда.

Маълумки, дастлаб психологияга “креативлик” (creativity) атамасини 1922 йил Рей М.Симпсон «American Journal of Psychology» журналида америкалик мактаб ва коллеж ўқувчиларини креатив фикрлашини аниқлашга бағишланган тадқиқот ишида берган [25].

А.Х. Маслоу креативликни 2 турга бўлади: истеъдоднинг креативлиги ва шахснинг ўз-ўзини актуаллаштириш креативлиги [32]. Шахснинг ўз-ўзини актуаллаштириш креативлиги шахс билан узвий боғланганлиги сабабли биз унга кундалик ҳаётда ва касбий фаолиятнинг кўп соҳаларида дуч келишимиз мумкин. А.Х. Маслоу креативликда ўз-ўзини актуаллаштиришнинг икки даражасини келтириб ўтган: биринчиси– «ихтиёрсиз креативлик, бунда шахс бирдан ақлига келиш, руҳланиш, қийин кечинмаларга эга бўлади», «иккинчиси–ихтиёрий, оғир меҳнат билан боғлиқ, узлуксиз таълим, камолотга интилувчанлик» [88].

"Креативлик" ва "таълим олиш" тушунчаларини умумлаштириб, биз "креатив таълим" тушунчасини қуйидагича таърифлаймиз: бу шундай таълим турики, педагог ва таълим олувчи ўртасидаги муносабат, ўзаро таълим

олувчи ёки маълум бир восита орқали таълим оловчи орасидаги жараён бўлиб, у шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қилади [117, 118, 119].

Олий таълим педагоглари ўзини фанини яхши билиши ва талабаларга етарли даражада етказиб бера олса бўлди, фикр юритишни эса вақтлар ўтиб ўзи ўрганиб олади деган фикр яқин вақтларгача ҳам бор эди, лекин ҳақиқий амалиёт шундан далолат берадики, бу ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бугунги кунда талаба ўз ижодини англаш ва ассимиляция қилишдан кўра, ўз даврининг кўп қисмини, шу жумладан ўз мустақил ишларини интернетдан қидириш ва юклаб олиш учун ўтказади. Креатив таълимнинг моҳияти шундаки, ўқув жараёни нафақат барча талабаларнинг ижодий қобилиятларни ошқор қилиш орқали билиш жараёнида иштирок этиши билан эмас, балки улар ўзлари билган, ўйлаган, бажара оладиган нарсаларни тушуниш ва акс эттириш имкониятига эгадирлар [120].

Билиш жараёнида креатив ҳамкорлик фаолияти янгиликларни ўзлаштириш, яъни ҳар бир талаба бу жараёнга ўзининг ўзгача индивидуал ҳиссасини кўшади, фаолиятнинг усули, ғояси, илми билан алмашинуви натижасида янги ғоялар, янги билимлар ва янги муносабатлар пайдо бўлади.

Креатив таълимнинг моҳияти ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун келинг анъанавий ва креатив таълимнинг қиёсий таҳлилини келтирамиз (1-жадвал).

Анъанавий ва креатив таълимни таққослаш билан асосий фарқни ажратиши мумкин: анъанавий ўрганиш талабаларнинг ақл-идрокига таъсир қилади ва креатив таълим эса таълим оловчининг шахсига таъсир қилади - унинг фикрлари, ҳис-туйғулари, билимлари, инновацион жамиятда фаол ҳаёт учун қизиқиш ва хоҳиш уйғотади (1-жадвал).

## 1 - жадвал

Анъанавий ва креатив таълимнинг қиёсий таҳлили

Мезонлари	Анъанавий таълим	Креатив таълим
Таълим мақсади	Билим ва назария билан ўртоқлашиш	Талабаларнинг фаол позициясини шакллантириш
Ўқитувчи фаолияти	Актив, билим беришга йўналтирилган	Фаол, талабаларнинг ижодини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган
Таълим шакллари	Фронтал	Гуруҳли ва индивидуал
